Чақмоқтошли призматик пластинкалардаги ишлатилганлик изларини ўрганиш уларнинг тош даври хўжалигида анчайин турли-туман ишларда фойдаланилганлигидан далолат беради. Ишлатилганлик характерига кўра ўзига хос категорияларга Г.А. Бонч-Осмоловский ва С.Н. Бибиковлар томонидан қазиб ўрганилган Кара-Куш-Коба, Фатъма-Коба, Шан-Коба, Мурзак-Коба каби гор маконларининг чақмоқтош пичоқлари киритилиши мумкин (Бибиков, 1946. С. 156; 1959. С. 134. Бонч-Осмоловский, 1934. С. 56).


Ушбу гуруҳга кирувчи пичоқларнинг биринчи нусхаси 1949 йилда Е.А. Векилова томонидан Кара-Куш-Коба ғоридан қазиб олинган (Векилова, 1966. С. 67). Катта бўлмаган қирраларидан бири тишсимон ретушли чақмоқтош пластинанинг (узунлиги 75 мм, эни 10-12 мм) интенсив равишда ишлатилганлиги билан ажралиб турарди ва бу ҳақда пластинани ҳар иккала тарафдан (дорсаль ва вентраль тарафлардан) қоплаб олган силлиқланганлиги гувоҳлик беради. Бундан ташқари, елкасининг неготивларида ва иш қиррасида кучли ўтмаслашув кузатилади ва бу материал

вазнининг бироз йўқотилишига ҳам олиб келган бўлиши мумкин. Бундай кучли емирилганлик анча узоқ вақт қўлланиш натижасида ҳосил бўлиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, унинг барча белгилари (пластинканинг катталиги, кесмаси, жойлашуви ва ундаги изларнинг микротекстураси) пичоқнинг ҳайвонни қайишқоқ танаси қаршилигига учраган ёки резистент материалга ишлов берганлигидан гувоҳлик беради. Шундан келиб чиқиб, пичоқнинг тош, суяк, ёғоч кабиларга ишлатилганлиги тўлиқ истисно қилинган.


Едирилган чизиксимон излар шаклида бўлиб, пластина елкаси ва қорнининг иккала яқин қирраларида иш қиррага перпендикуляр ҳолатда жойлашган (расм. 3, 2). Микрофотографияга кўра, чизиксимон излар перпендикулярдан анча четлашган ва ўзаро кесишган ҳамда бу пичоқ ўқининг ишлов берилаётган материалга нисбатан беқарор ҳолатда ҳаракатланганлигидан далолат беради. Бундай вазият қўл меҳнатида тез-тез юз бериб туради (расм. 3, 3). Нима бўлганда ҳам, ушбу изларнинг текстураси гўшт пичоқлардаги изларникидан фарқ қилади. Бундан ташқари, иш қиррасининг кучли ўтмаслашуви гўшт пичоқларда ҳосил бўлиши мумкин эмас (расм. 3, 4).

Фатъма-Коба, Мурзак-Коба, Шан-Коба ғорлари материаллари орасида юқоридагига ўхшаш едирилганлик изларига эга пластинкалар серияси учрайди (расм. 3, 5). Бу пластинкалар шакли, ҳажми, қиррасининг кесмасига кўра турлича бўлса-да, ишлатилганлик белгиларига кўра бир хил. Барча ҳолатларда уларнинг силлиқлашуви қирранинг ҳар иккала тарафини ҳам эгаллаган, яъни елка ва қорин тарафларда, иш қиррасида ўтмаслашганлик кузатилади, бироқ бу ўтмаслашганлик турли даражада. Ушбу пичоқларнинг барчасидаги чизиксимон излар иш қирраларига перпендикуляр ҳолатда жойлашганлиги аниқланган (расм. 3, 5).

Ушбу пластинкалардаги изларни талқин қилиш катта қийинчиликлар туғдиради. Кўриниб турардики, ушбу қуроллар билан ишлаш кесиш усули билан эмас, балки рандалаш усули ёрдамида амалга оширилган, бироқ ишлов берилаётган буюм бир вақтнинг ўзида йўнилғининг ҳар иккала юзасига ҳам қаршилик кўрсатган. Натижада ишлатилганлик излари буюмнинг ҳам елка ва ҳам қорин тарафларида ҳам кузатилар эди. Яна шу нарса аниқ эдики, қуролнинг ҳаракати “ўзинга торт” («на себя») йўналишида эди. Қурол шубҳасиз, қўндоқсиз ишлатилган, бу ҳақда қуролни иш майдонидан бошқа юза қисмларининг кам силлиқлашганлиги гувоҳлик беради. Бизга маълум бўлган тошга, суякка, ёғочга, терига, гўшт кесишга, арралашга ва бошқа қаттиқ жисмларга ишлов бериш излари Қримдан топилган мезолит даври ғорлари пластинкаларидаги изларга ўхшамас эди. Ягона имконият шунда эдики, ушбу пластинкалардаги излар балиқни тангадан тозалаш ишлари оқибатида ҳосил бўлиши мумкин эди (Семенов, 1957. С. 29). Бундай фаолият жараёнида пичоқ рандаланувчи юзага қия бурчак остида қўйилади ва қирра билан сидирувчи ҳаракат амалга оширилади. Қирра икки тарафлама предметнинг қаршилигига учрайди. Пастдан балиқнинг териси, юқоридан балиқ тангачалари билан ишқаланиш орқали қаршилик кўрсатади. Натижада балиқ тангалардан тозаланади (расм. 3, 6). Тозаланган балиқ Қрим ғорларида яшаган мезолит даври аҳолиси томонидан овқат сифатида истеъмол қилинганми? Ушбу ғорлардан балиқ суякларининг қолдиқлари топилган. Бу даврнинг иқлим шароитлари теримчилик билан бир қаторда примитив балиқчилик хўжалигининг ҳам пайдо бўлишига имкон берган. Балиқни, афтидан, кўпгина океанияликлар, австралиянинг соҳилбўйи аҳолиси, шимолий балиқчилар ва бошқа халқлар пиширилган ва хом ҳолларда истеъмол қилишган.




1-расм. Мальта, Сўнги палеолит  
1-3 калта чақмоқтош пластинкалардан  
ишланган бир қиррали гўшт пичоқлар;  
4 бундай пичоқни қўлда ушлаш ҳолати.  
(С.А. Семенов, 1957)



2-расм. Мальта ва Костенко I матери-  
аллари асосида сўнги палеолитга оид  
гўшт пичоқларнинг икки тури. 1-калта  
пичоқнинг қўлдаги ҳолати; 2-уzun  
пичоқнинг қўлдаги ҳолати 3-овқатланиш  
пайтида ҳам гўштни оғизга солиб кесиш  
(реконструкция). (С.А. Семенов, 1957)

Тош пичоқлар масаласида Зирабулоқ топилмажойи индустрияси жуда қизиқарли маълумотларни берди. 1977-78 йилларда М.Ж. Жўракулов раҳбарлигидаги СамДУ Археология кафедраси гуруҳи томонидан йиғиб олинган материаллар орасида юқорида тилга олинган “ўзинга торт” (“на себя”) туридаги пичоқлар серияси аниқланди.

Гап шундаки, Зирабулоқ маконининг индустриясида “ўзинга торт” (на себя) ти-  
пидаги пичоқлар серияси топилибгина қолмасдан, балки комплекснинг чақмоқлаш  
техникаси ҳам бундай пичоқларнинг тановорларини синдириб олишга бўйсунди-  
рилганлиги аниқланди. Бу кўрсаткич бармоқ устига қўйилган ҳолда ушланадиган ва  
фақат Зирабулоқнинг индустриясигагина характерли бўлган махсус концептуаль  
техника ҳисобланади. Чақмоқлаб олинган тановорлар бир қарашда учлари қия ке-  
силган пластина ёки пластинкаларни эслатади. Бироқ ушбу қия кесилганлик  
Зирабулоқ индустриясида нуклеусдаёқ проекция қилингани аниқланди, яъни нукле-  
уснинг пастки учи бир ёки бир нечта қия йўниш орқали йўниб ташланади ва бу кей-  
инчалик дисталь учи қиялашиб ўтмаслашган ва дисталь бурчакларидан бири  
ўткирлашган йўнилғиларни ёки кўрсаткич бармоқ устига қўйиб ушланадиган тайёр  
пичоқларни қўлга киритиш имконини беради. Сўнгра, ушбу тановорнинг  
қирраларидан бири тўғридан-тўғри ёки қўшимча ретушлашдан кейин пичоқ сифа-  
тида қўлланилиши мумкин. Уларнинг латералларидан бири ўтмаслашган бўлади.  
Бундай чақмоқлаш техникаси палеолитшуносликда дастлаб Зирабулоқ материалла-



3-расм. 1-4 - Кара-Куш-Коба мезолит даври горидан олинган ва пичоқ вазифасини бажарган чақмоқтош пластинка (Қрим). 1 - умумий кўриниши-қирраларидан бирининг вентраль ва дорсаль тарафдан едирилганлиги, 2 - едирилган юзадаги чизиқсимон изларнинг умумий кўриниши, 3 - пластинка вентралидаги чизиқсимон изларнинг микрофотографияси, 50 марта катталаштирилган ҳолатда, 4 - пичоқнинг ишлатилган қисми, чап қирраси ўтмаслашган, ўнг қирра вентраль тарафдан тишсимонлашган, 2 марта катталаштирилган ҳолатда, 5 - Фатъма-Коба мезолит даври горидан олинган ва вентраль ҳамда дорсал тарафдан ишлатилганлик изларига эга чақмоқтош пластинка; 6 - балиқни тозалаш жараёни схемаси (а, б ишқалашга туташган юза); 7 - Фатъма-Коба пичогининг қўлда ушланиш усули (реконструкция) (С.А. Семенов, 1957)

рида аниқ номоён бўлганлиги учун ушбу усулни биз «Зирабулоқ типидagi чакмоқлаш усули» ёки «Зирабулоқ типидagi нуклеуслар» деб, улардан ҳосил қилинган тановорларни (баъзан қирраларидан бири ретушланган ва кўрсатгич бармоқда ушлашга мўлжалланган йўнилғиларни) эса, «Зирабулоқ типидagi кўрсатгич бармоқ пичоқлари», деб номладик. Дунё палеолитшунослигида нуклеусдаёқ кўзда тутилган тош пичоқлар Франциядаги Биз (*cousteaux de Bize*) ёдгорлигидан топилган ва улар шу ном билан луғатларга кирган. Бироқ улар елкаси тўлиқ ўтмаслаштирилган пичоқлардир (Lumley, 1971. P. 130).

«Кўрсатгич бармоқ» типидagi тош пичоқлар Ўзбекистоннинг палеолит (Сулейманов и др., 2003. С. 17-23) ва Кавказнинг мезолит даври ёдгорликларида ҳам аниқланган (Семенов, 1957. С. 128). Бироқ бу буюмлар йўнилғи-тановорлар нуклеусдан чакмоқлаб олинганидан кейингина дисталь учларини қия кесиш ёрдамида пичоқларга айлантирилган ва сўнгра қирраларига ретуш берилган. Айрим типологик услубларда бундай буюмлар қия кесилган пластиналар ёки йўнилғилар деб ном олган.

Зирабулоқнинг кўрсатгич бармоқ пичоқлари қумли ва кремнийлашган сланец, кремний ҳамда қайроқтошлардан ясалган, шунингдек, ўнг ва чап кўрсатгич бармоқларга мўлжалланган (Жадвал №1).

*Қумли сланец - 11 та.* Улар чап (5 та) ва ўнг (6 та) кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқларга ажралади. Бунда биз С. А. Семеновнинг бундай пичоқлар қўлланилаётган пайтда йўнилғиларнинг анча текис вентраль тарафи ишлов берилаётган материалга қаратилганлиги ҳақида мезонига асосландик.


*Ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар-5 та.* Улардан бирининг ҳажми 84x47x15 мм бўлиб, у ўнг қўлда ишлашга мўлжалланган зирабулоқ типидagi пичоқдир. Ушбу узунчоқ учириндининг зарб майдончаси фасеткалаштирилган-стропиласимон, орқа тарафига ўта қиялаштирилган ва у узунасига-кўндалангига текислашлар ёрдамида шакллантирилган. Учиринди дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига - бир йўналишда-субпараллель характерга эга. Унинг дисталь қисмидаги тик перпендикуляр йўнилғи негативи учириндини чакмоқлашдан аввал нуклеусда амалга оширилган (расм. 4, 1). Ушбу тоифадаги иккинчи буюм ҳажми 56x25x10 мм пластина бўлиб, унинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган-бўрттик кўринишга эга. Пластина дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-бир йўналишда-субпараллель характерга эга. Пластинанинг кўндаланг дистали битта

**1-Жадвал. Зирабулоқнинг кўрсатгич бармоқ пичоқлари турлари ва хом-ашё таркиби**


| №        | Хом-ашё тури         | Ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган |      | Чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган |       | Жами | %     |
|----------|----------------------|-------------------------------------|------|-------------------------------------|-------|------|-------|
|          |                      | сони                                | %    | сони                                | %     |      |       |
| 1        | Қумли сланец         | 5                                   | 62,5 | 6                                   | 37,5  | 11   | 45,84 |
| 2        | Кремнийлашган сланец | 0                                   | 0    | 2                                   | 12,5  | 2    | 8,3   |
| 3        | Жигарранг кремний    | 1                                   | 12,5 | 4                                   | 25    | 5    | 20,83 |
| 4        | Кулранг кремний      | 0                                   | 0    | 1                                   | 6,25  | 1    | 4,2   |
| 5        | <i>Қайроқтош</i>     | 2                                   | 25   | 3                                   | 18,75 | 5    | 20,83 |
| Жами (%) |                      | 8                                   | 100  | 16                                  | 100   | 24   | 100   |

йўниш ёрдамида қия кесилган ва бу нуклеусда амалга оширилган. Бундай йўниш пластинанинг чап дисталидан ўнг латералига йўналган (расм. 4, 2). Зирабулоқ типидagi учинчи чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган ва қумли сланецли пичоқнинг ҳажми 44x28x13 мм. Йўнилғининг зарб майдончаси синган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-бир йўналишда-субпараллель характерга эга. Унинг дисталидаги қия кесилганлик чап дисталь бурчакдан ўнг латералга қарата йўналган ва бу йўниш нуклеусдаёқ амалга оширилган. Учириндининг дорсалида узунасига-бир йўналишда-субпараллель йўнилғи негативлари сақланиб қолган. Учиринди дорсалининг дисталида охак қопламасини қисман сақлаб қолган. Бундан ташқари, учириндининг чап проксималь бурчаги ҳамда кўндаланг дисталида дорсалга йўналтирилган локализациялашган ярим тик ва субпараллель иррегуляр ретушлар мавжуд (расм. 4, 3). Ушбу тоифадаги тўртинчи буюмнинг ҳажми 40x30x10 мм. Учириндининг зарб майдончаси икки фасеткали-текис кўринишга эга, дорсалидаги йўнилғи негативлари эса узунасига-бир йўналишда-субпараллель характерда. Қия кесилганлик учириндининг чап дисталь бурчагидан ўнг латералига йўналтирилган бўлиб, бу нуклеусдаёқ амалга оширилган (расм. 4, 4). Тўпламдаги қумли сланецдан ишланган бешинчи чап кўрсатгич бармоқ пичоғининг ҳажми 50x23x8 мм ва бошқаларидан фарқли ўлароқ, унинг қия кесилганлиги чап дисталь бурчакдан ўнг латералига йўналган, бироқ сўнгра, ушбу қия кесилган қисми дорсалдан вентралга йўналтирилган кўндаланг ва тик йўниш ёрдамида қайта шакллантирилган. Пластинанинг зарб майдончаси синган, дорсалидаги ўзидан аввалги йўнилғи негативлари узунасига-қарама-қарши-субпараллель характерга эга. Пичоқнинг уч қисми ҳам синиб қолган. Пластинанинг ўнг латералида дорсалга йўналтирилган механик характердаги бир нечта алоҳида субпараллель, ярим тик ва тишсимон ретушлар мавжуд (расм. 4, 5).

*Ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар-6 та.* Ушбу тоифага кўндаланг дистали ўнг дисталь бурчакдан чап латералга қарата қиялаштирилган пичоқлар киритилди. Улардан бирининг ҳажми 00x60x18 мм. Йўнилғининг зарб майдончаси синган, дорсалидаги негативлари бир йўналишда-узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. Пичоқнинг ўнг дисталь бурчакда жойлашган учи синиб қолган. Йўнилғининг ўнг латерали дорсалга йўналтирилган иккита алоҳида тик клеттон типидagi анкошларга эга (расм. 5, 1). Тўпламдаги иккинчи ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқнинг ҳажми 90x26x13 мм. Пластинанинг зарб майдончаси бир фасеткали ва текис, бироз орқа тарафига қиялашган. Унинг дорсалидаги йўнилғи негативлари бир йўналишда-узунасига-субпараллель характерга эга. Пичоқнинг учи синган (расм. 5, 2). Ушбу тоифадаги учинчи пичоқнинг ҳажми 43x22x12 мм. Пластинанинг зарб майдончаси бир фасеткали ва текис, орқа тарафига бироз қиялашган. Пластинанинг дорсалидаги йўнилғи негативлари бир йўналишда-узунасига-субпараллель характерда. Пластина кўпоровчи шарнирга эга (расм. 5, 3). Коллекциядаги қумли сланецдан ишланган тўртинчи ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқнинг ҳажми 47x20x6 мм. Пластинанинг зарб майдончаси синган, дорсалидаги ўзидан аввалги йўнилғи негативлари бир йўналишда-узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. Пластинанинг профили бироз эгилган (расм. 5, 4). Тўпламнинг навбатдаги ўнг кўрсатгич бармоқ пичоғининг ҳажми 30x24x5 мм. Учириндининг зарб майдончаси синган, дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр-субпараллель характерга эга. Пичоқнинг учи битта юпка ретушлаш ёрдамида текисланган (расм. 5, 5). Ва ниҳоят, тўпламнинг қумли сланецдан ишланган сўнги



4-расм. Зирабулоқ. Қумли сланецдан ишланган чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар (1977-1978 йй. материаллари)




5-расм. Зирабулоқ. Қумли сланецдан ишланган ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар (1977-1978 йй. материаллари)

ўнг кўрсагич бармоққа мўлжалланган пичоғининг ҳажми 29x18x5 мм. Учириндининг зарб майдончаси синган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. Унинг дисталидаги қия йўниш венграль тарафига қиялаштирилган тарзда амалга оширилган (расм. 5, 6).

Кремнийлашган сланец—2 та. Тўпламда 2 та кремнийлашган сланецдан ишланган чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар мавжуд. Улардан бирининг ҳажми 51x15x11 мм. Пластинанинг зарб майдончаси чизиксимон-бўртиб чиққан



6-расм. Зирабулоқ. 1-2-чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар (кремнийлашган сланец), чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган (жигарранг кремний), 4-7-чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар (жигарранг кремний), (1977-1978 й. материаллари)



7-расм. Зирабулоқ. 1-ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқ (кулранг кремний), 2-3-чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар (қайроқтош), 4, 5, 6-ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар (қайроқтош), (1977-1978 й. материаллари)

шаклда. Дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Унинг кўндаланг дисталидаги қия йўнилганлик чап дисталь бурчагидаг ўнг латералига йўналтирилган. Пластинанинг профили бироз эгилган ҳолатда (расм. 6, 1). Бундай буюмларнинг иккинчисининг ҳажми 55x27x10 мм. Учириндининг зарб майдончаси синган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. Шунингдек, учириндининг дорсалида охаки табиий қопламаси қисман сақланиб қолган. Унинг дисталида чап дисталь бурчагидан ўнг латералига йўналган ярим қия йўнилган негатив изи мавжуд (расм. 6, 2).

*Жигарранг кремний—5 та.* Улар оч жигаррангли кремнийлардан ишланган ва чап (1 та) ҳамда ўнг (4 та) кўрчатгич бармоқларга мўлжалланган тош пичоқлар ҳисобланади.

*Чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқ* жигарранг кремнийли пластинадан ишланган бўлиб, ҳажми 76x27x10 мм. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган ва бўртиб чиққан, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Унинг дистали битта йўниш ёрдамида (нуклеусдаёк) дисталининг медиалидан ўнг латералига йўналтирилган ҳолда қия кесилган (расм. 6, 3).

*Ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар-4 та.* Улардан бири кулранг аралашган жигарранг кремнийдан ишланган ва ҳажми 36x16x7 мм. Пластинанинг зарб майдончаси синган, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. Пластинанинг дистали ўнг дисталь бурчагидан чап латералига йўналтирилган тик йўниш ёрдамида кесилган (расм. 6, 4). Бу тоифадаги иккинчи зирабулоқ типидagi пичоқнинг ҳажми 23x20x6 мм. Ушбу майда учириндининг зарб майдончаси чизиқсимон ва бўртик, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель кўринишга эга. Буюмнинг кўндаланг дистали ўнг дисталидан чап латералига йўналган тик йўниш ёрдамида нуклеусдаёк кесилган. Бундан ташқари, пичоқнинг ўнг дисталь бурчақда жойлашган учи дорсаль тарафдан юпқа субпараллель ретушлаш ёрдамида ишлов берилган (расм. 6, 5). Ушбу гуруҳдаги учинчи пичоқнинг ҳажми 35x20x7 мм. Учириндининг зарб майдончаси чизиқсимон ва бўртиб чиққан, дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга. Учириндининг кўндаланг дистали ўнг дисталь бурчагидан чап латералга йўналтирилиб тик йўниш ёрдамида нуклеусдаёк кесилган (расм. 6, 6). Бу тоифадаги сўнгги буюмнинг ҳажми 39x20x10 мм. Сире аксиденти типидagi ушбу учириндининг зарб майдончаси синган, дорсалидаги ўзидан аввалги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель кўринишга эга. Учириндининг дисталь қисми чап дисталь бурчагидан ўнг латералига йўналтирилган тик ва қия йўниш ёрдамида нуклеусдаёк кесилган (расм. 6, 7).


*Кулранг кремний—1 та.* У ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган зирабулоқ типидagi пичоқ бўлиб, ҳажми 46x26x12 мм. Учириндининг зарб майдончаси икки қиррали ва орқа тарафига бироз қиялашган. Бу зарб майдончанинг бир қисми охак қопламали ва қолган қисми битта кўндаланг негатив орқали текисланган. буюмнинг дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр характерга эга. Учириндининг кўндаланг дистали ўнг дисталдан чап латералига йўналтирилган иккита қия ва тик негативлар ёрдамида кесилган (расм. 7, 1).

*Қайроқтош—5 экз.* Улар ҳам ўнг ва чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқларга ажралади ва барчаси қора тусли майда кумли қайроқтошлардан ишланган.

*Чап кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар—2 та.* Улардан бири чап қўлга мўлжалланган Зирабулоқ типдаги пичоқ бўлиб, ҳажми 80x30x10 мм. Пластинанинг зарб майдончаси фасеткалаштирилган, бўртиб чиққан ва орқа тарафига бироз қиялашган. Унинг дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. Пичоқнинг учи пластинанинг чап дисталь бурчагида шакллантирилган ва унинг чап латерали дорсаль тарафдан юпқа қия регуляр субпараллель ретушлар ёрдамида ишлов берилган. Иш қиррасининг шакли эгик ҳолатда (расм. 7, 2). Ушбу тоифадаги иккинчи буюмнинг ҳажми 58x33x11 мм. Учириндининг зарб майдончаси чизиксимон, бўртиб чиққан ва дорсалидаги йўнилғи негативлари карама-қарши-субпараллель характерга эга. Буюмнинг дистали нуклеусдаёқ қия йўниш ёрдамида чап дисталь бурчагидан ўнг латералига қарата қиялаштирилган (расм. 7, 3).

*Ўнг кўрсатгич бармоққа мўлжалланган пичоқлар—3 та.* Улардан бирининг ҳажми 74x33x9 мм. Пластинанинг зарб майдончаси текис ва орқа тарафига бироз қиялашган. Дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель тарзда жойлашган. қия кесилганлик ўнг дисталь бурчагидан чап латералига қарата амалга оширилган. Пичоқнинг ўнг латералидаги иш қирраси медиаль ва дисталь қисмларида қия тишсимон локализациялашган субпараллель ретушлар ёрдамида дорсаль тарафдан ишлов берилган. Ушбу қирранинг шакли зигзагсимон. Пичоқнинг учи синиб қолган (расм. 7, 4). Қора қайроқтошдан ишланган Зирабулоқ типдаги бундай пичоқлардан яна бирининг ҳажми 72x30x10 мм бўлиб, у галька қобиқли текис зарб майдончага эга. Пластинанинг дорсалидаги йўнилғи негативлари узунасига-субпараллель характерга эга, шунингдек, унинг дорсалида галькали қобиқ қолдиқлари ҳам қисман сақланиб қолган. Қия кесилганлик пластинанинг ўнг дисталь бурчагидан чап латералига қарата амалга оширилган. Аммо буюмга иккиламчи ишлов берилмаган (расм. 7, 5). Ушбу тоифадаги учинчи буюмнинг ҳажми 43x34x9 мм. Учириндининг зарб майдончаси чизиксимон ва бўртиб чиққан, дорсалидаги йўнилғи негативлари перпендикуляр-субпараллель тарзда жойлашган. Қия кесилганлик ўнг дисталь бурчақдан чап латералига қарата битта йирик ва тик йўниш ёрдамида нуклеусдаёқ амалга оширилган. Учириндининг кўндаланг дистали дорсалга йўналтирилган юпқа ярим тик регуляр субпараллель ретушлар орқали ишлов берилган. Иш қирранинг шакли бўртиб чиққан. Буюмнинг ўнг латерали аввало юпқа йўнишлар ёрдамида дорсаль тарафидан юпқалаштирилган ва қисман ретуш берилган (расм. 7, 6).

Зирабулоқ топилмажойи нуклеуслари асосан ҳаддан ташқари ишлов берилган ва сийқаси чиққан шаклда сақланиб қолган. Бирок таъкидлаб ўтганимиздек, ёдгорликнинг ўзақлари орасида елкали пичоқлар чакмоқлаб олишга мўлжалланган серияси ёрқин намоён бўлади. Бундай нуклусларнинг пастки учи қия йўнишлар ёрдамида йўниб кесилади ва сўнгра ўзакнинг иш юзасидан чакмоқлаб олинган йўнилғиларнинг пастки учи қайрилган ҳамда ўтмаслашган ҳолатда синиб тушади (расм 8, 1, 2). Айнан шундай типдаги пичоқларни чакмоқлаб олишга бўйсундирилган ўзақлар серияси биринчи маротаба Зирабулоқда аниқланаётганлиги учун ушбу техникани "кўрсатгич бармоққа мўлжалланган елкали тош пичоқларни синдириб олишга ихтисослашган техника" ёки "Зирабулоқ типдаги нуклеуслар" деб, қўлга киритилган буюмларни кўрсатгич бармоққа мўлжалланган тош пичоқларнинг зирабулоқ варианты деб номладик. Елкали ёки елкаси ўтмас пичоқлар, аникроғи, кўрсатгич бармоқда ушлашга мўлжалланган пичоқлар фанга маълум эканлигини



7-расм. Кўрсатгич бармоқ типдаги тош пичоқларни чақмоқлашга мўлжалланган нуклеуслар (Зирабулоқ, 1977-1978 й. материаллари)

юқорида таъкидлаб ўтдик. Бироқ кўрсатгич бармоқ пичоқларининг нуклеусдаёк кўзда тутилганлиги ёки проекция қилинганлиги илк маротаба Зирабулоқ топилмажойи материаллари орасида аниқланди.

Даврий жиҳатдан айтиш мумкинки, Зирабулоқни кўрсатгич бармоққа мўлжалланган тош пичоқлари тановорларининг аксарияти енгил тош ушатғич ёрдамида чақмоқлаб олинганлиги аниқланди. Маълумки, ушбу техника сўнгги палеолит даврида пайдо бўлиб, кейинги даврларда ҳам ҳукм сурган. Функционал жиҳатдан бундай пичоқлар балиқни тангачалардан тозалашда ишлатилган. Эхтимол, Кавказнинг мезолит даврига оид Фатъма-Коба ғорида бўлгани каби кўхна Зарафшон ва булоқ бўйида яшаган зирабулоқликларда ҳам примитив балиқчилик хўжалиги мавжуд бўлган.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

- Бибиков С. Н.** Позднепалеолитические поселения в навесе Шан-Коба и гроте Мурзак-Коба в Крыму // КСИА. Вып. 13. М., 1946.
- Бибиков С. Н.** Раскопки в навесе Фатъма-Коба в 1956 г. // КСИА АН УССР. №8. Киев, 1959.
- Бонч-Осмоловский Г. А.** Итоги изучения Крымского палеолита // Труды II Международной конференции АИЧП. 5. М.-Л., 1934.
- Векилова Е. А.** К вопросу о связях населения на территории Крыма в эпоху мезолита. // МИА. №126. М.-Л., 1966.
- Семенов С. А.** Первобытная техника (Опыт изучения древнейших орудий и изделий по следам работы) // МИА. №54. М.,-Л. 1957.
- Сулейманов Р. Х., Майкл Г.** Грот Ангиллак на территории Кашкадарьинской области // Археологические исследования в Узбекистане 2002 г. Ташкент, 2003.
- Васильев С. А., Бозински Г., Бредли Б. А., Вишняцкий Л. Б., Гирия Е. Ю., Грибченко Ю.Н., Желтова М. Н., Тихонов А. Н.** Четырехязычный (русско-англо-франко-немецкий) словарь-справочник по археологии палеолита. С-Пб., 2007.
- Brézillon Michel.** La dénomination des objets de pierre taillée. Matériaux pour un vocabulaire des préhistoriens de langue française. IV –supplément à Gallia Préhistoire. CNRS. 1983.
- Lumley H. De.** Le Paléolithique inférieur et moyen du Midi méditerranéen dans son cadre géologique, Vol. I: Ligurie, Provence: Vol. II: Bas-Languedoc, Roussillon, Catalogne. Callia préhistoire Supplement 5. Paris: CNRS. 1971.

УДК: 903.2 (903.07/ 903.21)

---

## ТОШЛАРНИ ЧАҚМОҚЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК УСЛУБЛАРИ

© 2018. Б. Қ. Сайфуллаев, Ҳ. Б. Хошимов

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археологик тадқиқотлар институти*

**Калит сўзлар:** оғир тош ушатғич, кенгил тош ушатғич, воситачи, органик ушатғич, учиринди, пластина, аксидент йўнилғи, зарб майдонча, ёрик, зарб нуктаси, эзма таёқчаси, эзма техника.

*Статья посвящается эволюции способов техники расщепления камня. Дело в том, в науке о каменном веке недавно раскрылись новые методы определения способов раскалывания камня, существовавших в каменном веке, подтвержденные археологическими данными. С помощью данных технологических методик появляются новые возможности определения, выявления и выделения культурно-хронологических привязок, даже переотложенных технокомплексов.*

**B. Q. Sayfullayev, H. B. Hashimov.**

### TECHNOLOGICAL WAYS OF STONE KNAPPING

*The article is devoted to the evolution of the methods of stone knapping technology. The fact is, in the science of the Stone Age, the new methods for determining the methods of stone knapping, which existed in the Stone Age and confirmed by archaeological data, have recently been discovered. With the help of these technological methods, new opportunities appear to identify, identify and isolate cultural-chronological bindings, even of the disturbed techno-complexes.*

---

Ибтидоий давр тош буюмларини типологик ўрганишни ҳозирда технологик билимларнинг иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Технологик тадқиқотлар тош индустрияларни ўрганишга шунчалик чуқур кириб бордики, уларнинг натижаларидан фойдаланмасдан амалга оширилган типологик ўрганишлар тўлиқ бўлмасдан қолади, айниқса, гап турли даврларга оид материалларни ўзида жамлаган аралаш характердаги топилмажойлар технокомплексларини тадқиқ қилиш ҳақида борганда. Албатта, кўпгина технологик мезонларнинг типологик тадқиқотлар номенклатурасига аллақачон кириб улгурганини ҳам инкор этиб бўлмайди. Аммо Марказий Осиё палеолитшунослигида тошларни чақмоқлаш усуллари ҳақидаги, масалан, ўрганилаётган йўнилғи (учиринди, пластина, пластинка, микропластинка) қандай турдаги ушатғич (оғир тош, органик ёки енгил тош ушатғич) ёки воситачи ёрдамида синдириб олинганлиги масаласи кўпинча эътибордан четда қолиб келди. Бундай чақмоқлаш усулларининг пайдо бўлиш даври археологик материаллар асосида исботланган.

**Асосий қисм.** Тошларни чақмоқлашнинг энг қадимги усули «блок-он-блок» («blok-on-blok») техникаси бўлиб, унда бир тош бўлаги қўлда даст кўтарилиб, иккинчи бир йирик тошга кучли зарб билан урилган. Натижада, урилаётган тош майда бўлақларга парчаланган ва улар орасидан энг ўткир ёки кесгирлари дастлабки гоминидлар томонидан йиғиб олинган ҳамда ишлаб чиқаришда қўлланилган. Қўлга киритилган тош қуроллар фанда *эолитлар* номи билан машҳурдир. Ушбу энг қадимги техника австралопитекларда ҳукм сурган.

### ***Оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаш***

Энг қадимги ва кўп қўлланилган оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаш усули даставвал галькали қуроллар тайёрлашда ишлатилган. Хомо хабилислар томонидан қўлланила бошланган ушбу техниканинг энг қадимги излари Шарқий ва Жанубий Африкадан топилган бўлиб, 2,6 миллион йиллар билан саналанган. Сўнгра оғир тош ушатғич (1-расм) ёрдамида зарб бериб чакмоқлаш усули ҳамма жойга тарқалиб, бутун ибтидоий давр мобайнида хукм суради (2, 3-расм). Оғир тош ушатғич ёрдамида регуляр учиринди ва пластиналар чакмоқлаш, нуклеусни ва унинг зарб майдонини аввалдан кўзда тутилган шаклда тайёрлаш ҳамда энг яхши тош бўлагини синдириб олишга қаратилган леваллуа техникаси орқали неандерталлар томонидан системалаштирилган.

Оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган йўнилғиларнинг характеристикаси куйидагича:

- ушатғичнинг зарб нуктаси ўзак зарб майдонининг “ичкарироғига кирган” (“заходящий”) бўлиши шарт, агар ушатғич нуклеуснинг бортига тегиб қолса, ўзакнинг қирраси эзилади (раздавльвание) ва исталган йўнилғи ҳосил бўлмайди. Оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаб олинган йўнилғиларнинг зарб майдончалари маълум қалинликка эга бўлади (бир неча мм ва ундан катта). Йўнилғиларнинг зарб майдончалари текис ёки фасеткалаштирилган бўлиши мумкин (агар зарб майдонча икки қиррали бўлса, у ҳолда зарб унинг қирраларидан ёки фасеткаларидан бирига берилади);

- оғир тош ушатғичнинг зарб берган нуктасида тўқнашувдан ҳосил бўлган билинар-билимас из қолади ва унинг ҳажми бир неча мм бўлади (4-расм). Эни бир неча см бўлган учиринди учун ушбу изнинг ҳажми бир неча мм бўлиши мумкин ва бу из ўзак зарб майдонининг анча ичкарида жойлашади. Бундай изнинг кўриниши юмалоқ ёки тухумсимон ёриқ шаклида бўлади;

- зарбнинг йўналиши доимо йўнилғи конусининг бош қисмидаги ёриқ билан белгиланади. Доирасимон ва зарб нуктасининг ўзидан бироз каттароқ ёриқ ўзакнинг зарб майдонида ҳам ҳосил бўлади. Шунинг учун ўзак зарб майдонининг ичкари томонида у ёки бу даражада кўринишли деформация содир бўлади.

Шундай қилиб, оғир тош ушатғич ёрдамида чакмоқланган маҳсулотлар хаамиша маълум бир қалинликдаги зарб майдончага эга бўлади. Яқин Шарқдаги Хумалийлар оғир тош ушатғич ёрдамида елкаси регуляр пластиналар чакмоқлаб олганлар. Аммо ушбу пластиналар кесмада нисбатан йирик ҳажмли бўлган (Peligrin; 2004. -P. 29). Бу пластиналардаги зарб тепаликларининг бўртганлиги жуда турлича, профиллари тўғри ва кам эгилган ҳолатда (қўпорувчи шарнирли нухалари бундан мустасно). Улар кўпинча йирик ҳажмли ва дисталь қисмларида ондуляцияга эга.

### ***Юмшоқ органик ушатғич ёрдамида чакмоқлаш***

Ушбу техника илк палеолит даврининг ашель маданиятида бундан тахминан 1 миллион йиллар муқаддам пайдо бўлади. Юмшоқ органик ушатғич даставвал бифаслар яшаш ёки уларга ишлов беришда қўлланилган. Бу техника хомо еректуслар томонидан кашф қилинган. Неандерталлар – мустье индустрияларининг муаллифлари ҳам ушбу техникадан бифасларга ишлов бериш ва қуролларни ретушлашда фойдаланишганлар. Ушбу техника шунингдек, айрим ретушлаш операцияларида ҳам қўлланилган (тишсимон, анкош ва ҳ.к. қуроллар яшашда).

Юмшоқ органик ушатғич ёрдамида чакмоқлаш техникаси сўнгги палеолит даврига келиб пластина ва пластинкалар чакмоқлашда, шунингдек, лавр барги шаклидаги солютре маданияти қуролларига ишлов беришда кенг қўлланилади.

Ушбу техника қуроллар ясашда йирик ва анчайин юпқа учириндилар чакмоқлаб олиш имконини беради ҳамда чуқурроқ зарб бериш муаммосини енгиллаштиради. Тош қуролларга ишлов берилганда юмшоқ органик ушатғич қуролнинг қиррасига қадалади ва устидан тош ушатғич ёрдамида зарб берилади. Бундай усулни қўллаш қуролнинг қирраларини доимо текислаб туришни талаб қилади, негаки, органик ушатғични қадаш учун доимо қулай майдонча зарур бўлади (Inizan Et al ., 1995. -P. 163) .

Бундай чакмоқлаш техникаси ўта катта аниқликни талаб қилади.

Неолит даврида ушбу техника йирик ҳажмли пластиналардан тош болталар ясашда қўлланилган, шунингдек, бутун шу давр мобайнида енгил органик ушатғич қуролларни ретушлашда қўлланилган.

***Органик юмшоқ ушатғичлар қўидаги материаллардан ясалган бўлиши мумкин:***

- кийиксимонларнинг шохларидан (5-расм, 1): сўнгги палеолит даврида шимолий буғисимонларнинг шохларидан фойдаланилган бўлса, мезолит ва неолит давларида кийик шохларидан фойдаланилган. Уларнинг оғирлиги ретушлаш, лавр баргисимон қуролларга ишлов бериш ва пластинкаларни чакмоқлаш учун 150 дан 300 граммгача, майда ва ўрта ҳажмли баргисимон қуролларга ишлов бериш учун 300 дан 500 граммгача, пластиналарни чакмоқлаш ва йирик баргисимон қуролларга ишлов бериш учун эса 500 дан 700 граммгача бўлган.

- қаттиқлигига кўра танлаб олинадиган ўсимлик шохчасидан: дуб, карағай, бук, самшит, кизил (бута) ва ҳ.к. Бундай (“палочная техника”) техниканинг ҳукм сурганлиги эксперименталь тадқиқотлар ёрдамида асосланган ва айрим археологик материаллар билан тасдиқланган (5-расм, 2).

- суякдан ясалган, бироқ у жуда синувчан бўлган ва улар кўпроқ ретушерлар сифатида қўлланилган.

Археологик контекстда ушбу техниканинг қолдиқлари серияси Л. Гутиер (Goutier, 1929. P. 172-174) томонидан топилган (6-расм). Бироқ юмшоқ органик ушатғич ёрдамида чакмоқлаш техникаси замонавий эксперименталь тадқиқотлар туфайли тўлиқ тан олинган. Ҳақиқатда, палеолит даври ёдгорликларидан топилган юмшоқ ушатғичлар кам сонли (Peligrin, 1997. P. 73-83), мавжудлари ҳам ўзининг кичик ҳажмдалиги билан бифасларга ишлов беришда ёки ретушерлар ва компрессорлар сифатида қўлланилган бўлиши мумкин. Пластиналар чакмоқлаб олиш учун эса эксперименталь чакмоқлаш ишларини амалга ошириш муқаррар бўлиб қолади.

Ф. Борд (F. Bordes, 1947. P. 1-29), Ж. Пелигрин ҳамда Ж.-П. Тиксьелар (Pelegrin, Tixier, 2004. P. 26-33) қаттиқ ёғоч тўқмоқ (самшит) ва кийиксимонлар шохларининг қаттиқ асоси ёрдамида бифасларга ишлов бериш ва сўнгги палеолит даври ёдгорликларидагига ўхшаш пластиналар чакмоқлаш ҳамда уларнинг археологик материалларда учрайдиган белгиларини кузатиш учун кўплаб тестлар ўтказганлар (7-расм).

Юмшоқ органик ушатғич ёрдамида чакмоқлаш юпқа, зарур ҳолларда кенг йўнилғилар чакмоқлаб олиш имконини беради, бу ҳолат йирик қуролларга ишлов

бериш ҳамда нуклеусларни шакллантиришда ботиқ ва қоплама йўнишларни амалга ошириш каби манфаатларга хизмат қилади. Бу техника шунингдек, чакмоқлаш маҳсулотларини бўйини узайтиришни ҳам енгиллаштиради, нисбатан назорат қилинадиган эгри зарб бериш ва бошқа кўплаб параметрларга кўра: чакмоқлашнинг ҳолати, ҳаракатлар характери, нуклеусларнинг морфологияси ва чакмоқлашга тайёрлаш, буларнинг барчаси охир оқибатда пластинасимон маҳсулотлар чакмоқлаб олиш имконини беради (8, 9-расм).

Енгил органик ушатғич ёрдамида чакмоқлаш нуклеусларни чап қўл ёрдамида ҳавода ушлаш ҳолатида амалга оширилади ва кўпинча қаттиқ тош ушатғичга нисбатан чуқурроқ зарб берилади (Pelegrin, 1995. P. 104).

Органик ушатғич ёрдамида чакмоқлаш оғир ушатғичдагидек зарбнинг тегиш нуқтаси нуклеус зарб майдонининг ичкарироғидан эмас, балки унинг қиррасидан бир неча мм бурчак остида амалга оширилади. Бу ҳолат зарб майдончанинг орқа тарафида "лабча" ҳосил қилади ва контакт зонасининг глобал бурчаги ҳамда чакмоқлаш юзаси ўртасидаги бурчак қанча ўткир бўлса, "лабча" янада аниқроқ кўриниш касб этади. Шунингдек, агар зарб майдон текис бўлса (10-расм а-в), унинг орқа тарафи нотекис бўлади, агар зарб майдон фасеткалаштирилган бўлса, зарб унинг қирраларидан бирига тушади, бироқ тегиш нуқтаси кўзга кўринмайди.

Оғир тош ушатғичга қарама-қарши ўлароқ, зарб майдонда кўзга кўринадиган ёриқлар кузатилмайди, бироқ ёриқ баъзан зарб майдончанинг ёнларидан бирида ҳосил бўлади. Зарб майдончаларнинг қалинлиги майда ва ўрта ҳажмли пластиналар учун 2 ва 4 мм оралиғида бўлади: қалинлик амалда ушатғични текказиш ёки ушлаш билан боғлиқ бўлиб, лабчаларда акс этади. Шунингдек, ушатғич нисбатан юмшоқ бўлганлиги сабабли зарб майдончадаги тегиш нуқтасини аниқлаб бўлмайди, гарчи баъзан синиш бошланган жойни аниқлаш имкони бўлса-да (10-расм, с). Таъкидланган маълумотлар кузатилганидан сўнг, кўпинча, зарб майдонча ва пластина ёки учириндининг технологик ўқи ўртасидаги бурчак 50 дан 80 градусгача бўлишини кўрамиз. Юмшоқ ушатғич ёрдамида чакмоқланган йўнилғиларнинг ушбу бурчаги 80 градусдан юқори бўлиши техник жиҳатдан жуда қийин. Бир вақтнинг ўзида зарб майдончанинг эни, қиррасининг бурчаги ва ушатғичнинг қаттиқлигига кўра зарб тепалигининг рельефи кичраяди. Зарб майдонча ёнлама текислашлар ёрдамида текисланган ёки елпиғич шаклида текисланган ва қиррасининг бурчаги жуда ўткир ҳамда жуда тор бўлса зарб тепалик деярли бўлмайди (диффузив) (10-расм. d).

Юмшоқ органик ушатғич ёрдамида чакмоқланган йўнилғиларнинг характеристикаси:

- зарб майдончада зарб изи бўлмайди;
- зарб майдончаси тор, бироқ кўринарли бўлади (бир неча мм);
- зарб майдонча регуляр қалинлик ва "лабча"га эга бўлади, дебитаж қиррасининг бурчаги қанча ўткир бўлса, "лабча" шунча аниқроқ намоён бўлади;
- зарб майдонча ва чакмоқланиш ўқи ўртасидаги умумий бурчак асосан 80 градусдан кам бўлади;
- зарб тепалиги ёрқин эмас ва баъзан умуман бўлмайди;
- қўлга киритилган йўнилғилар анчайин юпқа бўлади.

Оғир тош ушатғичга қарама-қарши ўлароқ, йўнилғиларнинг дисталь учлари анчайин юпқа ("feathering"), сезиларли ондуляцияларсиз бўлади. Бу услубнинг адаптация қилиниши нуклеусларни (икки қарама-қарши зарб майдонли

нуклеусларни) тайёрлаш, шунингдек, чакмоқлаш ҳаракатлари энгил ва баъзан тўғри чизикли пластиналар чакмоқлаб олиш имконини беради ва бу айрим Перигордликларда граветти типига тиғларнинг пластина-тановорларини ясаганликларида кузатилади (Pelegrin, 1991b. P. 78).

Қўлга киритилган йўнилғилар юпқа, у ёки бу даражада кенг, энидан кўра бўйи анча узунроқ ва эгик шаклда бўлади. Зарб майдончалари текис ёки фасеткалаштирилган ва баъзан икки қиррали бўлади. Зарб майдончанинг орқа тарафида кўпинча "лабча"си қайд этилади, зарб тепалиги кичрайган, ёйиқ (ёки ноаниқ), баъзан умуман бўлмади (Pelegrin, 1991b. P. 78).

### ***Юмшоқ тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаш***

Юмшоқ тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаш техникаси илк сўнгги палеолит даври ёдгорликларида аниқланган (Шательперрон) ва у характериға кўра органик ушатғич ёрдамида чакмоқлашга жуда ўхшаш ва ҳатто, нуклеусларни ундан ҳам кўпроқ тайёрлаш ишларини талаб қилади (Pelegrin, 2000b, P. 80). Ушбу техника майда, бир вақтнинг ўзида энгил ва тўғри чизиксимон пластиналар чакмоқлаб олиш учун мўлжалланган (11-расм).

Бу техника кам ҳолларда мустъе даври неандерталларида учрайди, бироқ унинг кенг қўлланилиши 40-минг йилликдан бошланади ва бу сўнгги палеолит даври маданиятларига тўғри келади (шательперрон, граветти). Юмшоқ тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаш техникаси мезолит ва неолит даврларида ҳам ҳукм суришда давом этади (Яқин Шарқдаги қайиксимон чакмоқлаш).

Юмшоқ тош ушатғич тўғри чизиксимон профилли энгил пластина ва пластинкалар чакмоқлаб олиш учун қўлланилган. Оғир тош ушатғич асосан қалин тановорларни синдириб олган бўлса, бироз эгилган ва энгил йўнилғилар чакмоқлаб олиш учун энгил тош ушатғич идеал компромис вазифасини ўтаган. Ушатғичнинг энгиллиги ва мўртлиги нуклеус зарб майдонининг қиррасидан зарб бериш имконини ҳосил қилган ва бу қўлга киритиладиган маҳсулотнинг юпқа бўлишини таъминлаган. Зарб етарлича куч билан берилганки, натижада, узунчоқ шаклли учириндилар чакмоқлаб олинган. Ишлаб чиқарилган тановорлар улоқтирувчи қуроллар ясашга жуда яхши мослашган бўлган (Шательперрон, Граветти, Азиль типига тиғларни ясашга).

Юмшоқ тош ушатғични қўллаш учун тош жинси кичик ҳажмли, аммо мўрт бўлиши лозим бўлган: булар тузилишига кўра қайроқтош, қаттиқ охақтош, қалин қобиқли кремний ғўла (галька), айрим сийқаси чиққан оғир ушатғичлар бўлиши мумкин бўлган. Уларнинг вазни бир неча 10 грамдан 1 кг гача бўлган ва охириги 20 см узунликдаги пластиналарни чакмоқлаб олиш учун қўлланилган.

Юмшоқ тош ушатғич ёрдамида чакмоқлаш энгил органик ушатғичники билан бир хил бўлган, аммо қўлда ушлаш унчалик текис бўлмаган. Юмшоқ тош ушатғич билан зарб бериш "ичкарига кирган" эмас, бироқ тўғри ҳолатда зарб берилган (чакмоқланиш бурчаги 70-85 градуслар оралиғида бўлган). Зарб берилгунга қадар нуклеус зарб майдонининг қирраси яхшилаб эзиб текисланган бўлиши лозим бўлган. Чакмоқлаб олинган йўнилғиларни зарб майдончаларининг қирралари синчиклаб ўтмаслаштирилган ва баъзан майдончаларининг орқа тарафида кичик "лабча"ларга эга бўлади. Йўнилғиларнинг зарб тепаликлари у ёки бу даражада бўртиб чиққан, бироқ жуда кичик ҳажмли ҳам бўлиши мумкин.

Б. Мадсен биринчи бўлиб энгил тош ушатғичдан ўрта ҳажмли пластиналар олишга мўлжалланган нуклеусларни шакллантириш ва чақмоқлашда систематик равишда фойдаланган. Шунингдек, унинг томонидан Шимолий Европадаги сўнгги музлик даври коллекцияларидан ушбу техниканинг излари топилган (Madsen, 1983. P. 12-31 1992. P. 93-131). Шунга асосланган ҳолда ўн йиллардан буён ушбу техника ёрдамида олинган маҳсулотларнинг морфологик гаммасини бир томондан йирик пластиналаргача, иккинчи томондан микролитлар учун тановор вазифасини ўташи мумкин бўлган кичик пластинкаларгача кенгайтириш ва бунда сифатли гомоген ва майда кумли кремнийдан фойдаланиш ишлари Ж. Пелигрин томонидан амалга оширилган (Peligrin, 1991b. P. 81).


Энгил тош ушатғич ёрдамида чақмоқлашнинг икки хил услуби мавжуд ва улар иккаласи ҳатто операциялар занжирини ҳам ташкил қилиши мумкин. Биринчи усул худди оғир тош ушатғичдаги каби бўлади: нисбатан қалин йўнилғилар олиш учун зарб нуклеус зарб майдонининг ичкарироғидан берилади. Зарб майдонда қоладиган излар оғир тош ушатғичники каби бўлади, зарб конуси бош қисмининг ёрилиши диаметри каттарок, баъзан қисман бўлиши мумкин (унча каттиқ бўлмаган материаллар учун). Ушбу биринчи услуб оғир тош ушатғичдан кўра алоҳида фарқ қилмайди. У иккинчи услубни қўллашдан аввал нуклеусларни шакллантириш ва ҳатто чақмоқлашни бошлашдан олдинги тайёргарликдан далолат беради.

Иккинчи услубда тош ушатғич ёрдамида энгил зарб билан йўнилғилар ишлаб чиқарилган. Тажрибаларга кўра, энгил тош ушатғич учун галькалар, юмалоқ шаклли бўлақлар, ўртacha цементлашган майда кумли қайроқтош қулай ҳисобланади. Шунингдек, қалин қобикли (коркали) тухумсимон кремний ғўласи ҳам юмшоқ тош ушатғич вазифасини бажариши мумкин, бироқ унинг қўлланилиш муддати узоққа чўзилмайди, негаки бундай ушатғич жуда мўрт бўлади.

Иккинчи услубда ўртacha ҳажмдаги энгил тош ушатғич ёрдамида чақмоқлаш (кичик ва ўрта ҳажмли пластиналар олиш учун унинг ҳажми бир неча 100 грамм, 20 см лик пластиналар олиш учун эса 1 кг оғирликда бўлиши лозим) худди юмшоқ органик ушатғичда бўлгани каби қўлланилади, яъни ҳавода тутилган ҳолатда чақмоқланади. Энгил тош ўсимлик таёқчасидан ёки кийиксимонлар шохидан кўра каттиқроқ, олдиндан кўзда тутилган контакт нуқтасини синчиклаб эзиш ва ҳатто ўтмаслаштириш зарур бўлади. Зарб майдондаги нотекислик ёки эгрилик ярамайди, негаки, контакт пайтида энгил тош ушатғични синдириб юбориши мумкин. Шунингдек, зарб пайтида майдончанинг бир қисми бузилади, бу зарур (кўрсатғич) характер бўлиб, зарб беришдан аввал бир неча ўн секунд ишқаланади ва бу кўплаб йўнилғи маҳсулотларида кўриниб туради, айниқса, тўлиқ чақмоқланган регуляр йўнилғиларда. Ушатғичнинг сифатига кўра (жуда майда кумли ва оптимал даражада нозик қайроқтош ёки қалин коркали энгил кремний) ва тайёрлаш ишларида, техник стигматлар баъзан энгил ушатғичникидек ҳосил бўлиши мумкин. Дастлабки синиш ҳақиқатда контакт зонасининг орқа тарафида органик юмшоқ ушатғич каби амалда кераксиз ёрқин лабча ҳосил қилиши мумкин (12-расм а, 10-расм d). Аммо баъзан майдончанинг контакт нуқтасини орқа тарафида чала ёриқни кузатиш мумкин. Шундай бўлса-да, кўпинча энгил тошнинг ўткир кум зарралари юпқа зарб нуқтасининг изини ҳосил қилади ва у ёруғ кунда яхши кўриниб туради ҳамда унинг шакли дастлабки мм да кичик конус шаклида бўлади (12-расм b), баъзан юпқа тўлқинлар концентрацияси ҳам кўриниб туради. Ана шу феномен



1-расм. Оғир тош ушатгичлар  
(Вердон музейи экспериментал лабораторияси)




2-расм. Оғир тош ушатгич ёрдамида чақмоқлаш



*3-расм. Оғир тош ушатгич ёрдамида чақмоқлаш (O. Notter)*



*4-расм. Оғир тош ушатгич ёрдамида чақмоқлаш олинган учиринди (Peligrin, Texier, 2004. P. 29)*



5-расм. Юмшоқ органик (шоҳ) ушатгичлар археологик контекстда (Goutier, 1929. -P. 173).



6-расм. Органик ушатгичлар: 1-кийик шохи; 2-қаттиқ ёғоч шохчаси (Вердон музейи экспериментал лабораторияси)




*7-расм. Органик (ёғоч) ушатғич ёрдамида бифасларга шилов бериши (Peligrin, Texier, 2004. P. 29)*



*8-расм. Юмшоқ органик (кийик шохи) ушатғич ёрдамида чақмоқлаш (O. Notter)*




9-расм. Юмишоқ органик (ёғоч) ушатгич ёрдамида чақмоқлаш (O. Notter)




10-расм. Юмишоқ органик ушатгич ёрдамида чақмоқланган пластиналарнинг 4 хил фотографик кўриниши (Pelegrin, 2000b. P. 78).



*11-расм. Юмиоқ тош ушатгич ёрдамида чақмоқлаш (Peligrin, 2013. P. 9)*




*12-расм. Юмиоқ тош ушатгич (майда қум заррали қайроқтош галька) ёрдамида чақмоқланган пластиналарнинг 8 хил фотографик кўриниши (Peligrin, 2000b. P. 79)*



13-расм. Юмшоқ тош ушатгич ёрдамида чақмоқланган пластиналарнинг 2 хил аксидент ҳолати: 1-вентраль қисмида микротўлқинлар билан; 2-зарб майдончанинг ўйилиши (J. Peligrin, 2013. P. 10)



14-расм. Юмшоқ тош ушатгич ёрдамида чақмоқланган зарб майдончасидан ўйилган пластина (Зирабулоқ)



*15-расм. Воситачи ёрдамида чақмоқлаш (Peligrin, 2013. P. 12)*



*16-расм. Воситачи (кййик шохи) ёрдамида чақмоқлаш (O. Notter)*



*17-расм. Воситачи (кийик шохи) ёрдамида чақмоқлаш (O. Notter)*




*18-Эзгич таёқчаси (Вердон музейи экспериментал лабораторияси)*



*19-расм. Эзгич мосламасига ўрнатилган нуклеус чақмоқлашга тайёр ҳолатда (Вердон музейи экспериментал лабораторияси)*



*20-расм. Эзма техника ёрдамида чақмоқлаш (Вердон музейи экспериментал лабораторияси)*




21-расм. 1, 2-Шан-Коба нуклеуси, мезолит (1-умумий кўриниши, 2-эзгич таёқчаси ёрдамида эзиш орқали ҳосил қилинган ёриқларга эга эзма зарб майдон, 3 марта катталаштирилган); 3, 4-Костенко IV сўнгги палеолит даври макони (3-умумий кўриниши, 4-нуклеуснинг зарб майдонидаги ёриқларни бўйиш орқали кўриниши микрофотографияси, 5-нуклеус эзма зарб майдонидаги чуқурчалар ва тирналганлик изларининг микрофотографияси) (С.А. Семенов, 1957)

билан боғлиқ равишда, майдончанинг орқа тарафидаги чизиғи органик чакмоқлашга нисбатан камроқ регуляриланган ва “соф” эмас:

- у яхшилаб ҳавода ушланади ва кўндалангига зарб берилади. Лабчалари кичик ва баъзан умуман бўлмайди, ҳатто контакт нуқтасида ҳам, баъзида эса тасодифан лабча ён томонларида бўлади (12-расм с), ва зарб майдонча жуда юпқа бўлиши ёки зўрға ўлчанадиган бўлиши мумкин (мм атрофида);

- айрим йўнилғилар юпқа ва дастлабки сантиметрларда вентраль арафдан қалин ва тор тўлқинларга эга бўлади (12-расм d; 13-расм, 1), ушбу феномен, афтидан, ушатғич кум зарраларининг ишқаланиши ёки синишнинг бошланишидаги зарб нуқтасининг бузилиши, синиши ёки шикастланиши оқибатида содир бўлади;



22-расм. Ибтидоий даврда тошларга ишлов бериш усулларининг эволюцияси (Peligrin, 2004. P. 33; J. Peligrin, J-P. Tixier, 2004. P. 33)

- айрим маҳсулотлар (бундан олдин таърифланган нусха ҳам бўлиши мумкин) аксидент феноменига эга бўлади ва бу “зарб тепалигининг ўйилиши”, деб аталади, буни зарб тепалигининг ординар ўйилиши, деб қарамаслик керак, негаки ординар ўйик майдончадан бироз масофадан кейин бошланади ва кўпинча эгри ва баъзан кўндаланг ҳолатда бўлади.

Бу ҳолатда эса ўйик йўнилғи чакмоқланаётган пайтда зарб натижасида ҳосил бўлади ва у (pièces esquillées) эсквие буюмларидагига ўхшаш бўлади ва уларнинг ҳосил бўлиш механизми бир хилда (13-расм, 2; 14-расм). Зарб тепаликнинг бундай ўйилиши зарб майдончадан бошланади ва баъзан зарб майдончани тўлиқ синдириб тушади. Ушбу ўйикни унинг негативига қараб аниқласа бўлади, чунки зарб тепаликнинг ординар ўйиғига нисбатан анча қалин ёки тўлқинли ўйик пайдо бўлади. 12f - расмдаги буюм зарб тепалиги ўйилган ёрқин мисол бўла олади, 12 с - расмдаги буюм эса, бироз ёрқинроқ мисолдир. 12b ва 12с расмларидаги зарб тепалик ўйиклари (ўнгда) ординар ўйиклардир ва улар аслида зарб майдончадан бироз пастроқдан бошланган.

Зарб тепаликнинг ўйилишини бундай механизмида зарб майдонча олдинга қараб синиши мумкин (бу зарб тепалигининг ўйилишига нисбатан “зарб майдончанинг ўйилиши” деб аталади); бундай ҳолларда зарб майдонча тўлиқ синган бўлади, уларни ўлчаб ва характерлаб бўлмайди.

Тажрибаларга кўра, дебитаж бурчаги бурчаги 70 ва 85 градус атрофида бўлади. Контакт нуқтасини тайёрлашнинг икки шакли мавжуд:

- текис ва эгилган зарб майдончали, демак бурчаги нисбатан ўткир;
- фасеткалаштирилган ва бўртиб чиққан зарб майдончали, бу зарб майдончалар бироз қалин ва қирранинг бурчаги камроқ ўткирлашган, баъзан ўтмаслаштирилган ёки юмалоқлашган ва буни йўнилғиларнинг зарб майдончаларидан аниқласа бўлади.

Ҳар иккала услуб ҳам зарб нуқтасида кўзга ташланадиган билатераль текислашлар ёрдамида амалга оширилган бўлиши мумкин.

### ***Юмшоқ тош ушатгич ёрдамида чакмоқланган йўнилғиларнинг характеристикаси.***

Ушбу техника ҳали кенг тан олинган эмас ва уни ўрганаётганда синишнинг механикасини ҳисобга олиш зарур. Амалиётда иккита тенденция кузатилиши мумкин:

Зарб майдончанинг бурчаги кўпинча ўткир: енгил ушатгич ёрдамида зарб беришнинг асосий аспекти; кўпинча зарб майдончалар кичрайтирилган ва лабчалари кўпинча кичик, аммо баъзан қалин, бироқ бошқа ҳолларда майдончалар фавқулотда юпқа ва зарб нуқталари кўринарли, баъзан эса синган ва микротўлқинлар билан давом этади.

Ўтмаслаштирилганлик жуда кучли, нотекисликлар кесиб ташланган ва зарб майдон юмалоқлаштирилган (майдончанинг олдинги чизиғида) бўлади.

Баъзи ҳолларда 2 та ёрқин аксидент ҳоллар учрайди: юпқа ва тигис тўлқинлар вентраль қисмининг бир неча сантиметрида ёки бутун қорин қисмида бўлади, зарб тепалиги ўйик бўлади.

Зарб майдонининг бурчаги кўпинча ўтмаслаштирилган (афтидан, юмалоқ контакт нуқтасидан олдинроқда ўтмаслаштирилган бўлади), фасеткалаштирилган зарб майдонча: маҳсулотларнинг айрим қисми зарб майдоннинг ичкарироғидан

уриб синдирилган (демак оғир тош ушатгичга яқин аспект), бироқ бошқа майдончалар жуда юққа, олдинги чизиғи кучли ўтмаслаштирилган, зарб нуқтаси кўриниб туради, бир неча юққа ва тиғис тўлқинлар билан давом этади.

Қўлга киритилган маҳсулотларнинг морфологияси энгил органик ушатгичникига яқин. Ушбу техника ёрдамида деярли тўғри чизиқли пластинасимон йўнилғилар олинган.

### ***Воситачи орқали зарб бериш.***

Селет маданияти индустриялари баргсимон шаклли бифас тиғлар ва мустъега хос тош қуролларга эга бўлиб, Чехия, Словакия ҳамда Венгрия ҳудудларида учрайди. Ушбу ҳудудлардаги селет маданияти ёдгорликлари генетик жиҳатдан

афтидан, мустъе даврига оид маҳаллий Блатспидзен ёдгорлиги анъаналари билан боғлиқдир (Fiches typologiques des Industrie osseuse prehistorique. 1988-1993. Cahiers I-VI.).

Польша худудларида энг қадимги сўнгги палеолит даврига оид Ежмановская маданияти хукм сурган. Бу маданият индустриялари қисман ишлов берилган баргсимон бифас-тиғлар мавжудлиги билан характерланади.

Марказий Европада сўнгги палеолит даврининг ўрта босқичида шарқий граветти номи билан машхур индустриялари кенг тарқалади. Ушбу анъана Австриядаги Виллендорф маконининг юқори қатламлари ҳамда Моравиядаги Павловская маданияти (Долни Вестоници, Павлов ва ҳ.к.) ва Польшадаги (Краков Спалзиста) ёдгорликларидан маълум. Юқорида саналган ёдгорликлар Шарқий Европада ҳам ўз ўхшашликларини топади. Айниқса, Виллендорф материаллари Костенко 1 материалларига ўхшашдир. Шунинг учун ҳам улар биргаликда “Виллендорф-Костенковская” маданиятига ажратилган (Семёнов, 1968. С. 359).

Шимолий Европада сўнгги палеолит даврининг охирларида мадлен индустриялари билан бир қаторда юқори қисми ўйиб-кертиб ишланган ва қирралари ретушлаш ёрдамида қия қилиб кесилган ҳамда ўзига хос тумшуксимон тиғлари (зинкен) мавжуд бўлган Гамбург маданияти ва кўндокли тиғлар, шохсимон гарпунлар ҳамда микролитларга эга бўлган Аренсбург маданиятлари хукм сурган. Ушбу маданиятлардан шарқроқда Свидер маданияти мавжуд бўлган. Ушбу маданият индустриялари бир қатор майда тиғларга эга бўлган (бром, тонгер, лингби ва ҳ.к.) ва бу маданиятлар тараққиёти илк голоцен давригача давом этган (Bordes, 1961. P. 103).

Сўнгги палеолит даври ёдгорликлари СНГ давлатларининг деярли барчасида учрайди. Россиянинг музлик билан қопланган шимолий-ғарбий қисми бундан мустасно. Бироқ, Россиянинг Дон, Десна ва Сейма дарёлари ҳавзаларида сўнгги палеолит даври ёдгорликлари кўплаб тўпланган. Бундай маконлар Волга бўйларида, Шимолий Кавказ, Уралда ҳам мавжуд. Россиянинг Европа қисмида Франция ёдгорликларидан қолишмайдиган Костенки-Борщевский маданияти ёдгорликлари мавжуд. Рус текислигининг сўнгги палеолит даврига оид энг қадимги ёдгорликлари Стрелец маданияти индустриялари бўлиб (35-25 минг йилликлар), улар мустъега хос кўплаб архаик элементларни сақлаб қолган (Клейн, 1978. С. 120).

Палеолитнинг сўнгги босқичи ер юзининг барча худудларида содир бўлган тарихий жараён дир. Призматик чақмоқлаш техникасига асосланган сўнгги палеолит анъаналари Европада, Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларида ўз аксини топган. Плейстоценнинг охирларига оид Сибирь, Япония, Америка ва Шимолий Америка материаллари бир қатор ўзига хосликлари билан юқоридагилардан фарқ қилади. Бироқ, ер юзида шундай худудлар борки (буларга Жанубий- Шарқий Осиё, Австралия ҳамда Экваториал Африка киради), уларда бу даврда тош буюмларнинг ўта архаик шакллари тўлиқ сақланиб қолади. Эҳтимол, бу худудларда палеолитнинг сўнгги фазасини ажратишнинг имкони бўлмайди.

Жанубий-Ғарбий Осиё сўнгги палеолити. Левантда сўнгги палеолит даврининг тараққий қилиши Ксар-Акил, Бокер-Таштит ва ҳ.к. ўтиш даврининг индустрияларидан бошланади (Хроностратиграфия палеолита Северной, Восточной и Центральной Азии и Америки, 1990. С. 308) (Тиксье, Коплэнд, Бар-Йозеф, Юинга ва бошқаларнинг маълумотлари). Бу ердаги 47-39 минг йиллар билан саналанган ўтиш даврининг бошларига оид индустрияларда сўнгги палеолитга хос тош

куроллар сериялари тўсатдан пайдо бўлади (60% га яқин). Умуман, мустьедан сўнгги палеолит даврига ўтиш босқичидаги комплекслар учун призматик нуклеуслар сонининг ўсиши ҳисобига ясси (леваллуа) ўзақларининг камайиб бориши характерлидир. Уларнинг тош қуроллари орасида йўнилғи учларида шакллантирилган қирғиччалар, кесгичлар ҳамда узунчоқ ва леваллуа йўнилғиларидан ишланган бигизлар кўпчиликни ташкил қилади. Ушбу тўпламлардаги ўзига хос қуроллар гуруҳига иш қиррасида юпка ва кўндаланг фасеткага эга бўлган буюмларни, елкалари бўртиб чиққан ва шательперрон тиғларига ўхшаш тиғларни (*a'chanfrein*), йирик ва симметрик тиғларни ва айрим эмиреҳ типидagi тиғларни киритиш мумкин. Улар орасида мустьегга хос бўлган леваллуа ва мустье типидagi пайконлар, қирғичлар, тишсимон ва ўйиб-кертиб ишланган буюмлар учрайди (Хроностратиграфия палеолита Северной, Восточной и Центральной Азии и Америки, 1990. С. 310).

Тахмин қилинишича, Яқин Шарқдаги ўтиш даврининг индустриялари юқори даражада тарақий топган пластиналар чақмоқлаб олинган ахмарий анъаналарига ўсиб ўтган. Эрк-эл-Ахмар ва бошқа ёдгорликларнинг санаси радиокарбон асосида 38-35 минг йилликлардан 22-20 минг йилликлар билан белгиланган. Улар йирик пластиналар тановорлари, типологиясида мустье белгиларининг йўқлиги, қирғиччаларини кўплиги (стрелкасимон, йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган, амюзо, йўнилғиларнинг учларида, бироқ, бутун айланаси бўйлаб ишлов берилган, каранесимон ва ҳ.к. қирғиччалар), кам сонли тиғлари, архаик шаклли кесгичлари ва ҳ.к. лари билан характерланади. Шулар билан параллель равишда Яқин Шарқ ориньяги номи билан машҳур бўлган сўнгги палеолитнинг бошқа бир тури хукм сурган (Невил, Гаррод, Замятин, Бадер, Григорьев, Коробкова ва бошқаларнинг маълумотларига кўра). Левант ориньягининг илк А фазасига Ксар-Акил маконининг XII—XIII қатламлари материаллари кириб, улар учун элвад типидagi тиғлар, ксарахил типидagi юпка кесгичлар, турли ретушланган пластинкалар, кам сонли каране типидagi қирғиччалар ва унданда кам сонли суяк ҳамда шохлардан ишланган қуроллар характерлидир. Чақмоқлаш техникаси пластиналар синдириб олишга асосланган тўлиқ призматик шаклга эга. Левант ориньягининг кейинги В фазасига Ксар-Акил нинг X—XI қатламлари, Эрк-эл-Ахмарнинг Д қатлами, Эл-Ваданинг Е—Д қатламлари ва бошқалар кириди. Улар йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган, каранесимон ва бошқа типдаги қирғиччаларнинг қолган буюмларга нисбатан сон жиҳатидан устунлиги билан ажралиб туради. В фазасининг кам сонли бошқа қуроллари орасида кесгичлар, элвад типидagi қирралари қиялаштириб ишланган тиғлар, ретушланган турли пластина ҳамда микропластинкалар ва бошқалар мавжуд. Левант ориньягининг С фазаси (Ксар-Акилнинг VIII—IX қатламлари, Эл-Хиам нинг Е қатлами) каране, тумшукли ва бошқа типдаги қирғиччаларга нисбатан кўп фасеткали ва бошқа турдаги кесгичларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Бу ерда бошқа фазалардагига нисбатан суякдан ва шохдан ишланган қуроллар анча кўп сони ташкил қилади (Хроностратиграфия палеолита Северной, Восточной и Центральной Азии и Америки, 1990. С. 201).

20 минг йиллар муқаддам Яқин Шарқда микропластинкалар чақмоқлаш техникаси елкаси ўтмаслаштирилган микропластинкалар ва геометрик микролит қуроолларга эга *эпипалеолит* комплекслари пайдо бўлди. Унинг 20-16 минг йилликлар билан саналанган биринчи фазасида (*кебарий маданияти*) геометрик

микролитлар (трапециялар, сегментлар, учбурчак, тўртбурчак микролитлар) кам сонлидир. Бу даврда микроинвентарнинг асосини учи қия кесилган ва елкаси ўтмаслаштирилган пластинкалар ташкил этади. Ушбу маданиятнинг кейинги фазасига оид комплексларда (*геометрик кебарий А*; санаси 14—12 минг йиллар) энди микролитлар кўпчиликни ташкил қилади. Бундан 12 минг йиллар муқаддам Ўртаер денгизининг Шарқий қисмида (*геометрик кебарий Б ва натуф*) мезолит даври бошланади (Derevyanko, 1990. P. 123).

**Олд Осиё сўнгги палеолити.** Олд Осиёдаги Ироқ ҳамда Жанубий-Ғарбий Эронда ўзига хос *Барадўст маданияти* (Шанидарнинг С қатлами, Санж-Са-фед) материаллари Гаррод, Хауэлэм, Мак-Берни, Флэннэри, Ранов ва бошқалар томонидан ўрганилган (Chard, 1974. P. 214). Барадўст маданияти учун (38-20 минг йиллар муқаддам) авваломбор, турли-туман кесгичлар сериялари (полиэдрик, ноай, ёнлама, йўнилғиларнинг ўрта қисмида шакллантирилган, йўнилғиларнинг вентраль тарафидан юпка йўнишлар орқали ҳосил қилинган кўп фасеткали — барадўст типигаги кесгичлар ва бошқалар), креме типигаги майда ва юпка тиғлар, бир кирраси ўтмаслаштирилган пластинкалар характерлидир. Тўпламнинг қирғиччалари нуклеуссимон юмалоқ шаклли бўлиб, иш юзалари дағал ишлов берилган. Тўпламнинг суяк қуролларидан энг ёрқинлари шохдан ишланган бурғусимон найза учларидир. Ушбу маданият ўз тараққиётининг дастлабки босқичларида кўпроқ мустъесимон кўринишга эга бўлган.

Ироқ ҳамда Эрон сўнгги палеолитининг финал босқичига Зарзий маданияти киради (Зарзи, Па-Сангар) ва уни кичик ҳажмли буюмлар характерлайди. Тош қуроллари орасида турли шаклдаги қирғиччалар, ўйиб-кертиб ишланган пластинкалар, кесгичлар, елкаси ўтмаслаштирилган ва қарама-қарши ретушланган пластинкалар, граветти типигаги тиғлар ва геометрик микролит қуроллар мавжуд.

Афғонистоннинг сўнгги палеолити (Кун, Дюпри, Дэвис тадқиқотлари асосида) кам сонли ёдгорликлар билан акс эттирилган. Улардан энг қадимгиси Қора-Камарнинг 3-горизонтида қайд этилган (30 минг йил муқаддам). Бу ердан йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган, қаране типигаги ва йўнилғиларнинг уч қисмида шакллантирилган қирғиччалар, ўйиб-кертиб ишланган ва тишсимон қуроллар, кирралари ретушланган суппортлар топилган. Сўнгги палеолитнинг охири босқичига Оқ-Кўприк макони материалларини киритиш мумкин. Аввалги комплексларга нисбатан бу ерда микропластиналар чақмоқлаб олиш техникаси яхши ривожланган. Тош қуроллари орасида тик ва юпка ретушли қирғиччалар, йўнилғиларнинг қирраларида ёки ўрта қисмида шакллантирилган кесгичлар асосий ўрин эгаллайди. Шунингдек, тўпламда комбинациялашган қуроллар (қирғичча-кесгич) ҳамда елкаси тиғлар ҳам мавжуд. Ушбу индустрия Оқ-кўприк маданияти, деб номланиб, ҳеч қандай ўзгаришларсиз мезолит даврига ўсиб ўтади (Ранов, Несмеянов, 1974. С. 196).

**Марказий Осиё сўнгги палеолити.** Ўрта Осиёда яқин кунларгача сўнгги палеолит даври ёдгорликлари жуда кам сонли эди. Тожикистон ҳудудларида сўнгги палеолит даврига оид Шугноу маконининг куйи (3 ва 4) қатламларидан бошланади (Ранов тадқиқотлари) ва уларнинг ёши геологик ва стратиграфик жиҳатдан 35-30 минг йиллар билан белгиланган. Бу комплексларда мустъе элементларининг мавжудлиги уларни маҳаллий тоғ мустъесидан ўсиб чиққанлигидан далолат беради. Шугноунинг юқоридаги 2-қатламининг санаси 28-25 минг йиллар билан белгиланган. Макондан майдонли ва протопризматик нуклеуслар, ёрқин

йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган қирғиччалар ҳамда қирраларидан бири ўтмаслаштирилган тиғлар ва қобик (галькали) елкали тош пичоқлар аниқланган. Сўнги палеолитнинг охирига ёдгорликнинг 1-қатлами (10700±500 йиллар муқаддам) киритилган. Унда “бурунли” нуклеус-қирғиччалар, учиринди ва пластиналардан ишланган қирғиччалар, тишсимон ретушли пластиналар, қирғичлар ва кам сонли тиғлар учрайди.

**Ўзбекистоннинг сўнги палеолити.** Яқин кунларгача Ўзбекистон ҳудудларида Самарқанд сўнги палеолит маданияти (Самарқанд, Сиёбча, Хўжамазгил), Кўлбулоқнинг юқори (I-III) қатламлари, Қизилолма 2, Хўжакент каби ёдгорликларгина мавжуд эди. Кейинги ўн йилликларда Ўзбекистон-Россия-Бельгия халқаро экспедициялари томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар юртимизда сўнги палеолит даврини ўрганишни янги босқичга кўтарди ва қатор янги ёдгорликлар топилди, эскиларида эса, замонавий услублар ёрдамида тадқиқотлар давом эттирилди. Бундай изланишлар Тошкент, Зарафшон воҳаларида ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларида олиб борилди (Деревянко, Исламов, Кривошапкин, Колобова, Фляс, 2009. Б. 7-16).

Тошкент воҳасининг Оҳангарон дарёси ҳудудлари қадимий ва хушманзара масканлардан бири бўлиб, бу ерда қадимги тош даврига оид кўплаб ёдгорликлар мавжуд. Палеолит даврига оид дастлабки ёдгорликлар 1962 йилда Самарчук ҳамда Облиқ қишлоқлари атрофидан О.М. Ростовцев бошчилигидаги ёш ўлкашунослар томонидан топилган. Дала-қидирув ишлари натижасида Кўлбулоқ макони ҳамда бир қатор тошга ишлов бериш устахоналари аниқланган (Қизилолма 1-4, Жарсой, Гиштсой ва ҳ.к.).

Бу ердаги очиқ типдаги ёдгорликлардан - Кўлбулоқ топилмажойи алоҳида аҳамиятга эгадир. У Ангрэн дарёсининг ўнг қирғоғида, Облиқ қишлоғидан 5 км шимолий-ғарбда жойлашган. Кўлбулоқ маконини ўрганишни учта босқичга ажратилган (Хушвақтов, 2009. -С. 17).

*Биринчи босқич* М. Р. Қосимов номи билан боғлиқ бўлиб, у ёдгорликнинг очилишидан, яъни 1962 йилдан 1990 йилларгача бўлган даврни қамраб олади. Ушбу даврда амалга оширилган тадқиқот натижалари қатор илмий мақолаларда ҳамда М. Р. Қосимовнинг докторлик диссертациясида ўз аксини топган (Қасимов, 1972. С. 16; Қасимов, 1972а. С. 31; Қасимов, 1990. С. 13; Қасимов, 1990а. С. 22; Қасимов, Годин, 1984. С. 46-48; Қасимов, Годин, Худайбердыев, 1992. С. 18-20; Қасимов, Дуке, Гречкина, 1979. С. 11-15; Қасимов, Коробков, Годин, 1988. С. 42-43).

М. Р. Қосимов томонидан (Қасимов, 1972. С. 17). Кўлбулоқда олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижасида 600 м<sup>2</sup> майдон очиб ўрганилган ва бу ердаги №3 шурфдан ашель (22 та қатлам), мустье (24 та қатлам) ҳамда сўнги палеолит даврига оид (3 та қатлам) 49 та маданий қатламлар аниқланган бўлиб, улардан кўплаб тишсимон, ўйиб-кертиб ишланган, қирғичлар ҳамда тайяк типдаги тош қуроллар топилдиким, бу Ўрта Осиёда ўхшаши йўқ маданиятга хос эди (Қасимов, 1990. С. 13).

М. Р. Қосимовнинг фикрига кўра, Кўлбулоқ маконининг моҳияти, унинг ашель, мустье ва сўнги палеолит даврига мансуб кўп қатламлилигидадир. Шунингдек, бу қатламлар устма-уст жойлашади ва бир-бирини узлуксиз давом эттиради, яъни палеолитнинг ашель давридан мустье босқичига ва ўз навбатида, мустьедан сўнги палеолит даврига ўтиш жараёнлари ёдгорликда ўз аксини топади. «Шу маънода

Кўлбулоқ бир томондан, Олд Осиё ва Кавказ, иккинчи томондан, Олтой, Сибирь, Мўғулистон, Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларини ўрганишда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Ҳозирда Ўрта Осиёда ягона бўлган, палеолит даврининг барча босқичларини ўзида акс эттирган ва яхши стратиграфиялашган кўп қатламли Кўлбулоқ макони ушбу ҳудудларнинг энг қадимги тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади...» (Касымов, 1990. С. 13; Касымов, 1990а. С. 22; Касымов, Годин, 1984. С. 46-48; Касымов, Годин, Худайбердыев, 1992. С. 18-20).

Кўлбулоқни ўрганишнинг *иккинчи босқичи* 1994-1995 йилларда Ўзбекистон-Россия халқаро экспедицияси томонидан амалга оширилди. Унга ЎзР ФА академиги Ў. И. Исломов ҳамда РФА ММТИ профессори Н. К. Анисюткинлар раҳбарлик қилишди. Олинган натижалар қатор илмий мақолаларда ва «Предварительные исследования долины реки Ахангаран за 1994-95 гг.» номли рисолада ўз аксини топди (Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1995. С. 16-18).

Экспедиция томонидан 1994-1995 йилларда машҳур №3 шурфнинг жанубий девори томонидан, 30 м<sup>2</sup> майдонда 4 та маданий қатлам очиб ўрганилди ва улардан 200 тага яқин тош буюмлар йиғиб олинди.

Аммо, қазишмалардаги учинчи маданий қатламни тадқиқотчилар сўнгги эмас, балки ўрта палеолитнинг типик мустъе вариантыга хос, деб топдилар. Бундан ташқари, улар М. Р. Қосимов томонидан ажратилган “Кўлбулоқ маданияти” (Касымов, Годин, 1982. С. 160) индустрияларининг барчаси ягона комплекс эканлигига шубҳа билан қарадилар (Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1995. С. 16-18).

Ўзбекистон-Россия экспедициясининг ушбу қазишмаларида Кўлбулоқнинг сўнгги палеолитга оид учинчи қатлами учрамаган. Ёдгорликнинг баъзи зоналарида учинчи маданий қатламнинг учрамаслиги илгари ҳам қайд этилган эди (Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1995. С. 19).

Шундай қилиб, 1994-1995 йилларда Кўлбулоқ маконида олиб борилган археологик тадқиқотлардан қуйидаги хулосалар олинган:

1) ёдгорлик кўп қатламли, гарчи уларнинг сони турли қазишмаларда турлича бўлса;

2) сўнгги палеолит даврига оид юқори қатламларининг тош инвентари кўплаб тишсимон ва ўйиб-кертиб ишланган қуролларга эга ва бу М. Р. Қосимовнинг Ўзбекистон ҳудудида индустрияси алоҳида тишсимон характердаги “Кўлбулоқ маданияти” ҳукм сурганлиги ҳақидаги фикрини тасдиқлайди, гарчи, бу етарлича асосланган бўлмаса;

3) учинчи ва қисман тўртинчи маданий қатламларнинг индустрияси типик мустъега оид тош буюмлар – қирғичлар, пайконлар, ўйиб-кертиб ишланган ва тишсимон қуролларнинг сон жиҳатидан устунлиги билан характерланади. Бироқ, ўйиб-кертиб ишланган ва тишсимон қуролларнинг кўпчилиги инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Шу маънода, Ф. Борднинг тишсимон мустъега берган характеристикасини эслаш жоиз. Тишсимон мустъенинг асосий белгиларидан бири, унда пайконларнинг учрамаслиги ёки озчиликни ташкил қилиши ҳамда типик қирғичларнинг камлигидадир (Bordes, 1961. P. 85). Ушбу ҳолатлар Н. К. Анисюткиннинг Шарқий Европадаги тадқиқотларида ҳам ўз исботини топган (Анисюткин, 1992. С. 25).

Н.К. Анисюткиннинг хулоса қилишича, 4-қатламнинг индустрияси ташқаридан эмас, балки ёдгорликнинг ҳудудидагина аралашиб кетган тош буюмлардан иборат. Агар мустье даврига оид турли қатламлардаги емирилган буюмларнинг учрашини ҳисобга олсак, афтидан, ёдгорликда у ёки бу даражада деформацияга учраган қатламларнинг мавжудлигини эътироф этиш мумкин (Анисюткин, 1992. С. 22).

Кўлбулоқнинг биринчи ва учинчи қатламларини В. А. Ранов битта ягона қатлам ва бу қатлам булоқ ботиғининг релефига монанд равишда ҳосил бўлган, деб ҳисоблайди (Ранов, Несмеянов, 1974. С. 193): «ушбу қатламларни муаллиф сўнгги палеолит даврига оидлигини тан олади. Улардан куйидаги мустье даври қатламлари кўринмайди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мустье даври қатламларининг айрим жойлари турли хил белгиларга: айрим жойлари кул доғларига, аммо кўпинча, тош қуроолларнинг мавжудлигига кўра аниқланган. Аммо, артефактлар қатламларнинг оралиқ майдонларида ҳам учрайди ва афтидан, ушбу қатламлар шартли равишда ажратилган. Бу ҳолат шунинг билан ҳам тасдиқланадики, VI маданий қатлам яшил лойли қатламнинг таги билан туташган ва қисман унинг ички қисмидаги чўкиндиларга бориб тақалади. Бундан келиб чиқиб, ушбу қатламнинг ҳамма жойини бир вақтда пайдо бўлган, деб бўлмайди ва эҳтимол, бу 4-маданий қатламдан бошлаб барча маданий қатламларга ҳам тегишлидир. Учинчи ва тўртинчи қатламларнинг таркиби бир хил чўкинди жисларидан иборат» (Ранов, Несмеянов, 1974. С. 193).

Кўлбулоқнинг маданий қатламлари З. А. Абрамова томонидан «Палеолит СССР» номли томда ҳам тилга олинган. З. А. Абрамова, М. Р. Қосимов сингари ёдгорликнинг сўнгги палеолит даври материалларини маҳаллий мустьедан ўсиб чиққанлигини ва унинг алоҳида Кўлбулоқ маданиятига оидлигини тан олади (Абрамова, 1984. С. 308).

Кўлбулоқни ўрганишнинг *учинчи босқичи* 2007 йилда Ўзбекистон-Россия-Бельгия экспедициси томонидан бошланди (Деревянко, Колобова, Фляс, Исламов, Ков, Коуп, Звинц, Павленок, Мамиров, Крахмаль, Мухтаров, 2007. -С. 83-89). Бундан мақсад ёдгорликнинг стратиграфик ҳолатини ўрганишда аниқликлар киритиш, аниқ стратиграфиялашган қатламлардан янги археологик материаллар казиб олиш, унинг қатламларини саналаш учун наъмуналар олиш ҳамда Кўлбулоқни янги табиий-илмий фанлар услубларини жалб қилиш асосида тадқиқ қилишдан иборат эди.

Ушбу босқичда олиб борилган тадқиқотлар (2007-2010 йй.), янги казишлар ҳамда эски казишмаларни тозалашлар натижасида 12 та стратиграфик қатламлар аниқланди. Қазиишмалар 5 м<sup>2</sup> майдонда олиб борилди ва натижада, тош буюмларга жуда бой юқори қатламлар очилди (2-3 литологик қатламлар). Қазиишмалар жараёнида 2-қатламдаги артефактлар кичик соф қатлам билан ажралган иккита қисмда концентрациялашганлиги аниқланди. Ҳар иккала қатламларнинг индустрияси типологик жиҳатдан ўхшаш ва фақат ёш жиҳатидан бир-биридан бироз фарқ қилади. Стратиграфик ва седиментологик маълумотларга кўра, ушбу қатламнинг генезиси пролювиаль жараёнлар билан боғлиқлиги аниқланди. Аммо, уларнинг шаклланишида сел оқизиклари ҳам қисман иштирок этган ва бу қатламдаги материалларнинг қисман аралашиб кетишига олиб келган (Деревянко, Исламов, Колобова, Фляс, Кривошапкин, Лещинский, Крахмаль, Звинц, Павленок, Мухтаров, 2008. С. 24-37). Шундай бўлса-да, ушбу қатламдаги археологик материалларнинг планиграфик таҳлили, шунингдек, бу жойда тош паррахаларнинг

(чешуйки) кўплиги қатламнинг жуда кам миқдорда аралашиб кетганлигини кўрсатмоқда. Ундан қуйидаги 3-қатламнинг материаллари эса, буюмларнинг катта аралашувига хос белгиларга эга. Яна хулоса қилинадики, 5-10 қатламгача бўлган катта стратиграфик қалинлик археологик жиҳатдан соф ётқиқлар ҳисобланади.

2008 йилдаги тадқиқотлар туфайли лессли генезисга эга бўлган 12-литологик қатлам очиб ўрганилди (Деревянко, Исламов, Кривошапкин, Колобова, Фляс, 2009. Б. 7-16). Ушбу қатламдан ўрта палеолит даврига оид юзаси яхши сақланган бир нечта тош буюмлар қазиб олинди. Айтиш мумкинки, бу “инситли” маданий қатламдир, дея талқин қилинган (Деревянко, Исламов, Кривошапкин, Колобова, Фляс, 2009. Б. 17). 2-литологик қатламнинг тош буюмларини яшаш учун асосан маҳаллий тўқ-кулранг, оқ ва сарғиш кремнийдан, баъзан жигарранг ва тўқ кулранг чакмоқтошлардан фойдаланилган (Кулик, оғзаки маълумот).

2-маданий қатламдан олинган тош буюмлар ёрқин микропластинкали кўринишга эга. Бу ерда тошларни чакмоқлашдан асосий мақсад пластинкалар ҳамда тўғри ёки бироз эгик профилли пластиналар синдириб олиш бўлган. Улар энсиз ёки призмасимон нуклеуслардан чакмоқлаб олинган (Деревянко, Колобова, Исламов, Фляс, Павленок, 2007. С. 80-83).

2-маданий қатлам индустриясидаги чакмоқлаш жараёни пластиналар (22,2%), пластинкалар (21,1%) ва микропластинкалар (21,7%) олишга қаратилган (Деревянко, Колобова, Фляс, Исламов, Ков, Коуп, Звинц, Павленок, Мамиров, Крахмаль, Мухтаров, 2007. С. 83-89). Бироқ, таъкидлаш жоизки, пластиналар ҳамда микропластиналар чакмоқлаб олиш техникаси турли хил стратегияларда амалга оширилган бўлиб, улар ҳеч қачон битта нуклеусдан давомий равишда олинмаган. Зарб майдончаларнинг типологик таҳлили шуни кўрсатдики, пластиналар, учириндилар ва техник йўнилғилар олиш учун одатда, текис зарб майдончалар шакллантирилган бўлса, пластинкалар ҳамда микропластинкаларнинг зарб майдончалари нуктасимондир.

2-маданий қатламнинг тош қуроллари кўп ва турли-туман эмас. Улар орасида исканасимон (долотовидные) қуроллар кўпчиликни ташкил қилади. Сон жиҳатидан иккинчи поғонани қирғиччалар: йўнилғиларнинг учларида, бурчакларида, ён томонларида шакллантирилган ҳамда учириндилар периметрининг  $3/4$  қисмида ишланганлари эгаллайди. Тўпламнинг микроинвентари орасида ретушланган микропластинкалар диққатни тортади. Одатда улар икки қирралари майда ретушланган ёки утилизация жараёнида ҳосил бўлган микротановорларнинг (микрозаготовки) бўлакларидир.

2009 йилги мавсумда Кўлбулоқнинг сўнгги палеолит даврига оид қатламларидан 18 м<sup>2</sup> майдони очиб ўрганилди (таъкидлаш жоизки ушбу босқич тадқиқотларида М.Р. Қосимов томонидан аниқланган 1-маданий қатлам учрамаган). Маконнинг сўнгги палеолит даврига оид горизонтлари иккинчи литологик қатламда жойлашади ва у пролювиаль генезисга эга бўлиб, яшил-кулранг лойли (супесь), турли ҳажмдаги қумли ҳамда шағалли аралашмалардан иборат. Ушбу қатлам пролювиаль характерга эга бўлишига қарамасдан, ундаги археологик материаллар жуда кам аралашган. Бу ҳақда тўплам артефактлари орасида кўп сонли тош пайрахаларнинг мавжудлиги ҳамда тош буюмларнинг горизонталь юзада қорни билан ётганлиги гувоҳлик беради. 2-қатламнинг материаллари иккига ажралган қатламчаларда концентрациялашган ҳолатда ётади ва бу шу даврда одамлар маконни кичик мавсумлар оралиғида икки марта ўзлаштирганликларидан далолат

беради. Шунинг учун 2-литологик қатлам иккига ажратилган бўлиб, юқори 2.1-маданий қатлам қисқа вақт мобайнида ўзлаштирилган бўлса, иккинчи 2.2-маданий қатлам ибтидоий одамлар томонидан узоқ вақт давомида интенсив истиқомат қилинганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, техник-типологик маълумотларга асосланиб, Кўлбулоқнинг 2-маданий қатлами индустриясини сўнгги палеолитнинг иккинчи ярми билан саналаш мумкин. Ёдгорликнинг ҳар иккала қатлами комплекслари маданий хослигига кўра ягона ва генетик жиҳатдан яқиндир. Бундан ташқари, тадқиқ қилинган майдон индустриясининг таркибига кўра, уни узоқ вақт мобайнида йўнилғи-тановорлар ҳамда тош қуроллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган устахона ҳам дейиш мумкин.

*Қизилолма-2.* Ушбу топилмажой Кўлбулоқдан 1 км шимолий-ғарбда, шарқдан ғарбга қараб чўзилиб кетган оҳакли қояларнинг пастки қисмида ва денгиз сатҳидан 1200 м баландликда жойлашган. Ёдгорлик 1962 йилда О.М. Ростовцев томонидан очилган (Касымов, 1990. С. 8). Қизилолма-2 ёдгорлигидан ўрта палеолит даврига оид комплекс аниқланган бўлиб, у тошларни чакмоқлаш ҳамда қисман тош қуроллар ясашга мўлжалланган устахона эканлиги (Касымов, 1967. С. 57-58) ҳамда хом-ашё конлари яқинида жойлашганлиги аниқланган (Касымов, 1972. С. 27). Ёдгорликнинг устки қисмидан йиғиб олинган материаллар ўрта ва сўнгги палеолит даврларига оид, деб топилган. Қизилолма-2 нинг шарқий қисми булдозер ёрдамида неоген даври қатламларигача кесиб юборилган ва ушбу неоген даври қатламининг устидан 25 см лик қатлам аниқланиб, ундан 214 та тош буюм йиғиб олинган эди. Ушбу тош буюмлар орасида қирғичлар, ўйиб-кертиб ишланган қуроллар ва бир дона бифас-лиманд ва ҳ.к.лар аниқланган. Бу тош буюмлар илк палеолит даври билан саналанган ва Тошкент воҳасидаги энг қадимги материаллар ҳисобланади (Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1995. С. 16-18).

1994 йилги Кўлбулоқ ва унинг атрофидаги тадқиқотлар Ўзбекистон-Россия экспедицияси томонидан амалга оширилди. Унга Ўзбекистон томонидан академик Ў. И. Исломов, Россия томонидан эса РФА ММТИ профессори Н. К. Анисюткинлар бошчилик қилишди (Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1995. С. 16-18; Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Хушваков, 1995. С. 72-74). Ўша пайтларгача Қизилолма-2 устахонаси ўрта ҳамда сўнгги палеолит даврига оид ҳисобланарди. Бу ердаги неоген қатламларининг бевосита устки қисмида ётадиган илк плейстоцен даврига оид қатламдан йиғилган материаллар Қизилолмани илк палеолит даврида ҳам ҳукм сурганлигини кўрсатди (Исламов, Анисюткин, Крахмаль, 1994. С. 53-54. Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1995. С. 16-18).

2007-2008 йилларда Ўзбек-Россия палеолитчилар гуруҳи Қизилолма-2 да тадқиқот ишларини давом эттирди (Анисюткин, Исламов, Крахмаль, Сайфуллаев, Хушваков, 1996. С. 63-65), натижада уни ўрганишда қатор аниқликлар киритилди.

Қизилолма-2 устахонаси Кўлбулоқдан 66 м баландликда жойлашган. Бу ерда археологик материаллар аргоноген оҳактошларга туташган адирли-лессли ётқизиклардан таркиб топган. 2007 йилда бу ерда бир қатор тозалаш ишлари олиб борилди ва қазишмалар учун қулай майдон белгилаб олинди (Деревянко, Исламов, Колобова, Фляс, Кривошапкин, Лещинский, Крахмаль, Звинц, Павленок, Мухтаров, 2008. С. 24-37). 2008 йилда эса, ёдгорликда 8 м<sup>2</sup> ни ташкил қилувчи қазишма амалга оширилди. 4 м. гача чуқурликдаги ушбу қазишмадан топилмаларга бой 3 та

литологик қатлам аниқланди. Юқори қатлам (1-қатлам) қадимда қайта ҳосил бўлган ва деллювиаль аралаш лесдан иборат. 2-қатламнинг ётқизиклари селли генезисга эга, 3-қатлам эса анчайин сокин характердаги ётқизиклардан иборат. Ҳар учала қатламлардан топилган археологик материаллар сўнгги палеолит даврига хос кўринишга эга (Деревянко, Исламов, Кривошапкин, Колобова, Фляс, 2009. Б. 7-16). Ушбу қатламлардан олинган тош индустриялар сўнгги палеолит даврининг биринчи ярмига оид деб топилди. Ёдгорликнинг инвентарлари орасида кўплаб нуклеуслар, кремений бўлаклари ва майда тош парчалари учрайди. Тўпламнинг нуклеуслари ясси (плоский) ва призмасимондир. Призмасимон нуклеусларни чақмоқлаш ярим елкали ва елкали пластиналар шакллантириш техникаси орқали амалга оширилган. Индустриянинг асосий йўнилғи-тановори пластиналар чақмоқлаш бўлган. Шундай бўлса-да, тўпланда учириндилар кўп сонли ва эҳтимол, бу нуклеусларни шакллантириш ёки қайта шакллантиришдан ҳосил бўлган. Қизилолма-2 нинг тош қуроллари кўп эмас. Аммо, улар орасида сўнгги палеолит даврига оид ёрқин наъмуналар учрайди. Буларга кирғиччалар ва кесгичларни мисол келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, асосий Кўлбулоқ макони ва унинг атрофидаги ёдгорликларда олиб борилаётган янги комплекс тадқиқотлар Шимолий-Ғарбий Тиёншон худудларида ибтидоий давр тарихий тараққиётини тўлароқ реконструкция қилиш имконини беради (Касымов, 1990. С. 42). Ҳозирда ўрганилган худуд бўйича маълумотларнинг етарли эмаслиги, авваломбор, аниқ стратифиграфиялашган ёдгорликларнинг ва сифати юқори чоп этилган археологик материалларнинг йўқлиги муаммоси сезилмоқда. Оҳангарон водийсидаги янги тадқиқотлар ушбу бўшлиқни тўлдиради.

Обираҳмат ғорининг ўрганилиши. Макон Я. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида Буржимулло қишлоғи атрофидаги Тиёншоннинг жанубий-ғарбий тизмаслари ва Чорвоқ сув омбори худудларини ўрганиш жараёнида очилган. Ғор Тошкент шаҳридан 100 км шарқроқда жойлашган. Обираҳмат ғори юмалоқ шаклли ҳарсанг айвон бўлиб, оғзи жанубга қараган: эни 20 м, чуқурлиги 9 м, томининг максимал баландлиги 11,8 м. Қатламларининг қалинлиги 10 м ва улар 22 та литологик қатламга ажратилган (Деревянко, Кривошапкин, Анойкин, Ринн, Исламов, 2004. С. 5-33). Қатламларнинг палеолит даврига оид қалин маданий қолдиқларга эгаллиги қадимги одамларнинг бир неча ўн минг йилликлар давомида моддий-маданий жиҳатдан динамик эволюциясини кузатиш имконини беради. Ёдгорлик Х. К. Насриддинов, М. М. Герасимов ва А. Р. Мухаммаджоновлар, (1963 г.) ҳамда Р. Х. Сулаймоновлар томонидан ўрганилган (1964-1965 йй.) (Исламов, Деревянко, Кривошапкин, Анойкин Сайфуллаев, Кулькова, 1999. С. 2-21). Кейинги йилларда ёдгорлик Т. Омонжулов ва К. А. Крахмаллар томонидан аҳён-аҳёнда (1966-1986 йй.) тадқиқ қилинган.

Р.Х. Сулаймоновнинг Обираҳматдаги илмий фаолияти 1964-1965 йилларга тўғри келади. У ғордаги қазилмалар жараёнида тош буюмларни техник-типологик тадқиқ қилар экан, Обираҳмат ғор макони индустриясининг моҳиятини тушунтириб бера олди. Шунингдек, Р. Х. Сулаймонов томонидан Обираҳмат ғорида 10 м қалинликда жойлашган 21 та бузилмаган кулрангли ёки тўқ жигаррангли маданий қатламлар мавжудлиги аниқланди.

Ушбу маданий қатламларнинг бир қисми ўрта асрларда қилинган ер ости хандаги туфайли бузилган эди. Маданий ётқизикларнинг қуйи қисми (15-21

катламлар) чекланган майдонда очилган. Қатламлардан йиғиб олинган тош индустрия гомоген характерда бўлиб, бу уларнинг ўн минг йиллар давомида ўзининг техник аънаналарини сақлаб қолган ягона палеолит даври индустрияси эканлиги маълум бўлди.

Обираҳмат ғори археологик материалларини илмий ишлов беришда математик-статистик услуб муваффақият билан қўлланилган (Сулейманов, 1972. С. 171). Маълум қилинишича, Обираҳматнинг индустрияси Яқин Шарқ ва Марказий Осиёнинг гардишсимон ҳамда леваллуа техникаси аралашган пластинасимон индустриялари каторига киради.

Обираҳмат макони индустрияси қуроллари учун ретушланган пластиналар, узунчоқ пайконлар, кесгичлар характерлидир. Шунингдек, учлари йўнилган пластиналар ҳам кўпчиликни ташкил қилиб, улар ёғочга ишлов берадиган тош рандалар (скобели и струги) деб талкин қилинган. Бундан ташқари, тўпдамда қирғичлар, кам сонли йўнилғи учларида шакллантирилган ва йирик қирғиччалар ҳам мавжуд. Аммо, энг муҳими бу ердаги 10 м қалинликдаги қатламлардаги тош инвентарлар қатламдан қатламга аста-секин ривожланиб, ўзгариб боради (Сулейманов, 2010. С. 25-29). Учириндилар олишга мўлжалланган нуклеуслар сони систематик равишда камайиб боради ва призматик пластиналар чақмоқланадиган ўзаклар сони ошиб боради. Қирғичлар ва ретушланган учириндилар нисбати камайдими ҳамда сўнгги палеолит даври учун хос тош қуроллар сони ортади, шу жумладан, комбинациялашган тош қуроллар ҳам (Сулейманов, 2010. С. 27). Обираҳмат ғорининг индустрияси қуйидан юқорига қараб 5 та кетма-кет хронологик комплексга ажратилган. Қуйи комплекс (А) ўрта палеолитнинг финали; иккинчи (Б) – ўртадан сўнгги палеолитга ўтиш даври, деб таснифланган; юқори – В, Г ва Д комплекслари эса Обираҳмат ғорининг сўнгги палеолит даври босқичи, деб таснифланган.

Техник-типологик кўрсаткичларига кўра, Обираҳматнинг индустрияси Тешиктош, Хўжакент, Жанубий-Ғарбий Фарғона материалларига ўхшаш деб топилиб, ягона Обираҳмат маданиятига бирлаштирилган. Ушбу маданиятга А. П. Окладников ва В. А. Рановлар томонидан топилган Қайроққум ГЭС материаллари ҳам киритилган (Литвинский, Окладников, Ранов, 1962. С. 16). Шунингдек, ушбу маданият леваллуа-мустье фацияси номини олган.

Ўрта ва сўнгги палеолитга оид тош қуроллар ҳамда учириндилар ва пластиналар нисбатини ҳисоблаб чиқиш оқибатида Обираҳмат маданияти ёдгорликларида уларнинг фоиз нисбати турличалиги аниқланди. Бу ҳолат уларнинг даврий кетма-кетлигини аниқлаш имконини берди. Улардан энг архаиқи Тешиктош, сўнгра Жанубий Фарғона, Хўжакент ва энг тараққий этган комплекс эса Обираҳмат ғори индустрияси эканлиги аниқланди (Сулейманов, 1972. С. 171).

1998 йилда ЎзР ФА акад. Я. Ғ. Ғуломов номидаги Археология институти билан Россия ФА СБ Археология, этнография ва антропология институти ўртасида палеолит даврини ўрганиш бўйича халқаро шартнома имзоланди. Лойиҳа: "Ўзбекистоннинг қадимги тош даври археологияси ва палеоэкологиси", деб номланди. Академиклар Ў. И. Исломов ҳамда А. П. Деревянколар бошчилигидаги халқаро комплекс тадқиқотлар экспедицияси тузилди.

Халқаро комплекс тадқиқотлар объекти сифатида Марказий Осиё палеолитда муҳим роль ўйнайдиган, Тошкент вилоятида жойлашган Обираҳмат ғор макони танланди (Деревянко, Исламов, Петрин, Сулейманов, Кривошапкин, Алимов,

Крахмаль, Феденева, Зенин, Анойкин, 1998. С. 37-45; Деревянко, Исламов, Петрин, Сулейманов, Таймагамбетов, Кривошапкин, Анойкин, Зенин, Крахмаль, Алимов, 1999. С. 10-14).

Халқаро экспедициянинг Обирахматда иш олиб боришдан асосий мақсади ёдгорликнинг абсолют санасини аниқлаш, қадимги атроф-муҳитни реконструкция қилиш ҳамда ушбу ҳудудда ўрта палеолитдан сўнгги палеолитга ўтиш давридаги қадимги аҳолининг ўзгаришларини аниқлашдан иборат бўлди (Деревянко, Исламов, Петрин, Сулейманов, Кривошапкин, Алимов, Анойкин, Милютин, Сайфуллаев, 1999. С. 60-66).

Обирахмат индустриясининг барча қатламларида кузатиладиган асосий хусусияти ўрта ҳамда сўнгги палеолит даврига хос технологик ва типологик белгиларнинг бирга келишидир. Тўпламнинг етакчи ўрин тутадиган нуклеуслари орасида сўнгги палеолитга оидлари, авваломбор, энсиз ўзаклар (торцовые нуклеусы), нуклеус-кесгичлар (нуклеусы-резцы), призмасимонлар ва учириндилардан ёки йирик пластиналардан ишланган турли хил микронуклеуслар эгаллайди. Бироқ, ўрта палеолитга хос йўнилғиларни юза бўйлаб (плоскостное расщепления) чакмоқлаш стратегияси сақланиб қолади.

Леваллуа типидagi ўзаклар кам сонли бўлиб, аксарият ҳолларда улар сўнгра пластиналар ёки пластинкалар олишга мўлжалланган сўнгги палеолитга хос энсиз нуклеусларга айлантириб юборилган (Деревянко, Исламов, Кривошапкин, Анойкин, Милютин, Сайфуллаев, 2002. С. 68-73). Обирахмат индустрияси йўнилғилари орасида пластиналар муҳим ўрин тутади ва асосий тош қурооллар ҳам улардан ишланган. Ёдгорликнинг кўпгина қатламларида пластиналар нисбати 50% дан ошиқни ташкил қилади.

Обирахмат индустрияси учун ўрта палеолитнинг узунчоқ пайконлари (остроконечник) билан сўнгги палеолитнинг пластиналари ўртасидаги оралик шаклни ташкил қиладиган учли пластиналарнинг мавжудлиги характерлидир (Исламов, Кривошапкин, 2009. -С. 131-135).

Ёдгорликнинг тош қурооллари деярли бир хил шаклли. Энг кўп сонни пайконсимон қурооллар (ретушланган пайконлар, учли пластиналар), ретушланган пластиналар, кесгичлар (кўпинча ёнлама типдаги) ташкил этади. Тош қуроолларнинг сезиларли қисмини ташкил қиладиган қирғиччалар типологик жиҳатдан унчалик ёрқин эмас. Леваллуа шакллар кам сонли ва улар асосан, узунчоқ кўринишда. Қирғичлар ёдгорликнинг барча қатламларида мавжуд бўлиб, асосан пластинасимон йўнилғилардан ишланган, кўпинча уларни ретушланган пластиналардан ажратиш қийин. Тўпланда типологик жиҳатдан ёрқин кичик ҳажмли мустъе типидagi пайконлар катта ўрин эгаллайди (Кривошапкин, Анойкин, Милютин, Сайфуллаев, 2002. С. 35-40).

Обирахматда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ушбу ҳудудларга ўрта палеолит даври одамларининг миграцияси ҳақидаги ғоя илгари сурилди. Бу сўнгги палеолит даврига ўтиш даврини ўзида акс эттирган, умумий асосга эга бўлган ва конвергент ривожланган Яқин Шарқ, Ўрта Осиё ва Олтой индустрияларининг ўхшашликларига асосланган эди. Таъкидланишича, маданиятлар эволюцион ўзгаришларининг конверганетлиги умумий асосларидан ташқари, ўхшаш палеоэкологик шароитлар билан ҳам характерланади. Шу маънода, Левант, Олтой ҳамда Ўрта Осиё қадимги аҳолиси тоғларда ва тоғолди ҳудудларида яшаган бўлишиб, бу жойларда табиат ўзининг мураккаб тузулиши ва катта мозаиклиги

билан ажралиб туради. Биргина, водийда бир вақтнинг ўзида игна ва яполоқ баргли ўрмонлар, майда баргли ва тайга ўсимликлари, қуруқ дашт ва ўтлоқ даштли ассоциациялар ҳукм сурган. Бу ҳолат ибтидоий одамларга ўзлари учун қулай экологик муҳитни танлаш имконини берган.

Шундай қилиб, миграция қилган гуруҳлар аҳолисининг маданий эволюцияси ўхшаш экологик шароитларда содир бўлган ва бу (популяцияларнинг филогенетик ва маданий яқинлигидан ташқари) сўнгги палеолит даври маданиятларининг шаклланишидаги умумий адаптация жараёндир (Деревянко, Кривошапкин, Анойкин, Исламов, Петрин, Сайфуллаев, Сулейманов, 2005. С. 446-467).

Тўдахотин маконининг ўрганилиши. 2005 йилнинг августида Ўзбекистон-Россия палеолитчилар экспедицияси томонидан Обираҳмат ғори ҳамда Палтов дарёсининг (Чотқол дарёсининг ўнг ирмоғи) ўрта оқими ҳудудларида қидирув ишлари амалга оширилди (Исламов, Кривошапкин, Сайфуллаев, Мухаммадиев, Алимов, Колобова, Славинский, 2006. С. 13-18). Натижада, дарёнинг қуйилиш жойидан 10 км баландроқдан ва унинг ўнг қирғоғидаги баланд иккинчи терассанинг субгоризонталь майдонидан йиғма материалларга эга иккита пункт аниқланди. Бу жой бир томондан дарё, иккинчи томондан унинг чап ирмоғи билан ўралган ва денгиз сатҳидан 30 м баландликда жойлашган.

Тўдахотин 1 макони (41,58° шимолий кенглик, 70,17° шарқий. узунлик; абсолют баландлиги 1495 м) водийнинг юқорисида, иккинчи терассанинг чеккасида жойлашган. Тўдахотин 2 макони (41°34'20,4" шимолий кенглик, 70°09'48,9" шарқий узунлик, абсолют баландлиги 1496 м) Тўдахотин 1 ёдгорлигидан 140 м ғарброкда, иккинчи терассанинг қиррасида жойлашган. Бу ерда қазилган ғовак ётқизикларнинг умумий қалинлиги 3 м. гача етади (Исламов, Кривошапкин, Колобова, Милютин, Мухаммадиев, 2007. С. 74-87).

Бир-биридан 140 м масофада жойлашган ушбу пунктлар дарё ҳавзасидаги қоянинг номи билан Тўдахотин деб номланди ва уларга 1, 2 рақами берилди. 2005 йилда йиғма материаллар концентрациялашган жойларга иккита текширув шурфлари қазилди. Тўдахотин 1 ёдгорлигини текширишдан топилган маданий қолдиқлар битта литологик қатламда аниқланди ва бу қатлам қияликда жойлашган бўлиб, анчайин бузилган. Унинг тош коллекцияси нуклеуслар (пластиналар ва микропластиналар учун мўлжалланган), учириндилар ва пластиналар учларида шакллантирилган қирғиччалар, периметри бўйлаб ишланган қирғиччалар, ретушланган пластиналар ҳамда учириндилар бўлакларидан иборат (Кривошапкин, Милютин, Славинский, Рыбин, Колобова, Новиков, Высоцкий, Мухаммадиев, 2005. С. 131-137). Тўдахотин 2 ёдгорлигида қазилган 6 м<sup>2</sup> ҳажмли шурф, бу ерда бир нечта нисбатан бузилмаган маданий қатламларнинг мавжудлигини кўрсатди ва улардан сўнгги палеолит даврига оид артефактлар йиғиб олинди (Кривошапкин, Милютин, Новиков, Исламов, Мухаммадиев, 2006. С. 19-24; Исламов, Кривошапкин, Колобова, Милютин, Мухаммадиев, 2007. С. 74-87).

Ёдгорликдан 2006-2007 йилларда 5 та маданий қатлам аниқланди ва уларнинг энг юқоридагиси анчайин бузилган ҳамда ундан палеолит даври материаллари билан бир қаторда ўрта асрларга оид сопол буюмлар ҳам топилган.

2006-2007 йилларда Тўдахотин 2 маконидаги шурфнинг ёнидан 6 м<sup>2</sup> майдонли казишма ишлари олиб борилди, натижада 6098 та тош буюмлар қазиб олинди. Тўдахотин 2 маконининг стратиграфиси делювиаль-пролювиаль генезисга эга (Лещинский, 2007. Оғзаки маълумот).

Тўдахотин 2 маконида тош буюмлар яшаш учун хом-ашё сифатида маҳаллий кремний ҳамда четдан келтирилган кремний, халцедон, қайроқтош, кварц каби жинслардан фойдаланилган (Кулик, 2005. Оғзаки маълумот). Энг кўп қўлланилган материаллар маҳаллий ва бошқа жойлардан олиб келинган кремний, халцедон, қайроқтош ва кварцитлар ҳисобланади (Лисицын, 2000. С. 232; Акимова, Стасюк, Мотузко, 2005. С. 15-20).

Тўдахотин 2 ёдгорлигини стратиграфик кузатишлар асосида куйидаги хулосалар келтирилган: 1) 1-қатлам сўнгги палеолит даври артефактлари билан кейинги даврлар археологик материаллари аралашиб кетган ҳолатда ва бу антропоген жараёнлар ҳамда юмронқозикларнинг фаолияти туфайли содир бўлган; 2) 2, 3 ва 4-қатламларнинг материаллари нисбатан инситли ҳолатда ётади ва бу планиграфик кузатишлар, техник-типологик ҳамда аппликацион таҳлилларда ҳам кўриниб туради. Археологик топилмаларнинг гувоҳлик беришича, иккинчи қатлам ибтидоий одам томонидан анча узоқ вақт мобайнида истиқомат қилинган бўлса, 3 ва 4-қатламларда ҳаёт нисбатан қисқа вақт давом этган; 3) 5-қатламнинг тош буюмлари табиий таъсирлар ёрдамида бироз жойидан силжиган.

Тўдахотин 2 макони тош буюмларининг техник-типологик ва радиокарбон тадқиқотлар натижаларига кўра, бу индустрияни эр. ав. 23-21 минг йилликларга оид ягона маданий анъаналар эгаларига хос дейиш мумкин. Қатламлардаги тош буюмлар типларининг сон жиҳатидан фарқ қилишини у ёки бу майдоннинг истиқомат қилиниши муддати билан боғлаш мумкин. Бундан ташқари, ёдгорлик майдони атрофдаги дарёнинг тошиб ёки унда сувнинг камайиб оқиши оқибатида геоморфологик ўзгаришларга учраган.

Ёдгорлик индустриясининг чакмоқлаш техникаси учун кейинчалик қўндоқли қуроллар яшашда фойдаланилган призматик ва энсиз чакмоқлаш техникаси ёрдамида майда пластинкаалар олиш характерлидир. Тош қуроллар орасида микроинвентарлар кўпчиликни ташкил қилади (авваламбор, учбурчаксимон микролитлар ва қирраси ўтмаслаштирилган пластинкалар) ва бу ёдгорликда ихтисослашган фаолият – мавсумий овчилик мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, тўпламда талайгина қирғиччалар, кесгичлар ва тош бигизларнинг мавжудлиги ёдгорликни узоқ муддатли “асосий” (базовый) овчилик лагери бўлганлигини кўрсатади. Бироқ, Тўдахотин 2 тўпламидаги тош буюмлар орасида қатламдан қатламга эволюцион ўзгаришлар кузатилмайди.

Ҳозирги кунда ушбу районда сўнгги палеолит даврига оид бошқа ёдгорликлар учрамаганлиги туфайли Тўдахотин маконининг ўтмишдош индустриялари ҳамда унинг маданий-даврий келиб чиқиши масаласида бирон нарса дейиш қийин. Тўдахотин индустриясига ўхшаш белгиларни Тошкент вилоятидаги Кўлбулоқ (Касымов, 1990. С. 42) маконининг юқори қатламлари материаллари орасида учратиш мумкин. Кўлбулоқдан ўтган асрда ва ҳозирги кунда олиб борилаётган қазилма материаллари, уларнинг техник-типологик характеристикасини Тўдахотин материаллари билан қиёслаш имконини бермоқда.

Хронологик жиҳатдан Кўлбулоқнинг юқори қатламлари материаллари Тўдахотин индустриясидан қадимгироқ кўринишга эга. Бунинг исботи сифатида Кўлбулоқнинг юқори қатламлари тош буюмлари орасида эзма (отжимная) техника ёрдамида чакмоқлаш ёки ретушлашнинг учрамаслигини келтириш мумкин ва бу техник анъана Тўдахотин 2 индустриясида кенг қўлланилган. Яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, Кўлбулоқнинг юқори қатламлари индустриясида қирралари

ўтмаслаштирилган пластинкалар умуман учрамайди, шундай бўлса-да, Кўлбулоқнинг ретушланган пластинкалари Тўдахотин маконининг куйи қатламларидаги шундай буюмларга ўхшашдир ва улар қўндоқли қурооллар яшашда қўлланилган (Гиря, 2008. Оғзаки маълумот).

Тўдахотин 2 маконининг юқори даражада тараккий топган маданиятнинг шаклланишидаги илк босқичларга Қизилолма 2 устахонаси материалларини киритиш мумкин (Деревянко, Колобова, Исламов, Фляс, Павленок, 2007. С. 80-83). Бу ердаги анчайин бузилган қатламлардан топилган тош буюмлар илк юқори палеолит даврига хос кўринишга эга. Қизилолмада призмасимон ҳамда юза бўйлаб ўрта ҳажмли пластиналар чақмоқлаб олиш ҳукмрон бўлиши билан бирга, Кўлбулоқнинг сўнги палеолит даври қатламларидаги сингари энсиз нуклеуслардан майда пластинкалар синдириб олиш стратегияси ҳам кузатилади. Ёдгорликнинг унча кўп бўлмаган тош қурооллари орасида қирғиччалар кўпчиликни ташкил қилади.

Қизилолма-2 материалларини ўрганиш натижасида, унда ҳозирда ўртадан сўнги палеолитга ўтиш даврини акс эттирган ягона ёдгорлик ҳисобланадиган Обирахматга хос технологик анъаналарнинг қўлланилганлиги кузатилади (энсиз ва нуклеус-кесгичларнинг ҳар иккала тўпламларда ҳам мавжудлиги). Тўдахотин индустриясини Самарқанд макони материаллари билан таққосланганда (Джуракулов, 1987. С. 172), уларда қатор ўхшаш типлар мавжудлиги кўзга ташланади. Авваломбор, бу майда пластиналар чақмоқлаб олишга мўлжалланган қаране типли нуклеус-қирғиччалар ҳамда майда йўнилғиларнинг уч қисмларида ишланган қирғиччаларда ўз ифодасини топади. Бир вақтнинг ўзида Самарқанд макони индустриясида бир қатор архаик макроқурооллар талайгина (бу кўпгина мутахассисларнинг фикрича, Ўрта Осиё сўнги палеолитининг специфик хусусиятидир). Шунингдек, Самарқанд макони тўпламида юқори даражада тараккий топган микроинвентарларнинг учрамаслиги уни Тўдахотин билан ягона маданиятга киритиш имконини бермайди.

Шундай бўлса-да, таъкидлаш жоизки, юқори даражада ривож топган сўнги палеолит контекстида архаик чопқувчи қуроолларнинг мавжудлиги ҳамда чақмоқлашнинг микропластинкасимон маҳсулотларининг учрамаслиги (уларни чақмоқлаб олишга мўлжалланган нуклеуслар мавжуд бўлсада), ҳозиргача мунозорали бўлиб қолаётган маданий ётқизикларнинг стратиграфик ҳолати ҳамда турли даврларда амалга оширилган қазилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тўдахотин комплексини агар кенг доирада қиёслайдиган бўлсак, айтиш жоизки, эр. ав. 25-18 минг йилликларга келиб Евросиё ҳудудларида қўндоқли қурооллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган микролитизацияга мойил маданиятлар барқорорлашади.

Тўдахотин 2 индустриясининг айрим категориялари бўйича Сибирнинг (Лисицын, 2000. С. 232. Васильев, 1996. С. 224. Акимова, Стасюк, Мотузко, 2005. С. 15-20) майда пластинкалар ишлаб чиқариладиган комплексларида ҳамда Европанинг граветти ёдгорликлари тўпламларида ўхшашликларни учратиш мумкин (Нужный, 2008. С. 308). Ушбу индустрияларни талқин қилишда кўпгина тадқиқотчилар табиий-экологик шароитлар билан боғлаб ва шундан келиб чиқиб, маданий-технологик конвергентлик деб ҳисоблайдилар, қолган кўпчилик тадқиқотчилар эса Евросиёнинг микролитли индустрияларини ягона маданий-генетик асосга эга ва уларни Марказий Осиё ҳудудларидан келиб чиққан, деб ҳисоблайдилар (Otte, Biglari, Fläs, Shidrang, Zwyns, Mashkour, Naderi, Mohaseb,

Hashemi, Darvish, Radu, 2007. P. 82–96). Бирок, Ўрта Осиё ҳудудларидаги ёдгорликларда олиб борилган тадқиқотларнинг ва натижаларни нашр қилиш ишларининг нотекислиги, улардаги стратиграфик контекстларнинг муаммоли ва мунозорали бўлиб қолаётганлиги, абсолют саналарнинг камлиги ёки йўқлиги Евро-сиёнинг Осиё қисмида юқори ўрин тутган сўнгги палеолит даври маданиятлари генезиси масалаларини талқин қилишни қийинлаштиради. Шу маънода, Тўдахотин, Кўлбулоқ ва Қизиолма-2 да олиб борилган янги комплекс тадқиқотлар микролитли маданий анъаналарнинг илк босқичларини шаклланиши борасида янги маълумотларни беради.

Тўдахотин 2 маконини бошқа ёдгорликлар (Обирахмат, Қизилолма 2 ва Кўлбулоқ) контекстида тадқиқ қилиш натижасида хулоса қилиш мумкинки, илгари таъкидланганидек, Ўрта Осиё ҳудудларининг эр. ав. 40-20 минг йилликлар оралиғида депопуляцияга учраганлиги ҳақидаги қарашларни қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Афтидан, юқори неоплейстоценнинг финалидаги кучли аридизация жараёнлари оқибатида қадимги одамлар Марказий Осиё ҳудудларини бутунлай тарк этмаганлар, балки ландшафтни ўзлаштиришнинг адаптацион стратегияларини ўзгартирганлар.

Сўнгги палеолитнинг илк босқичларида қадимги одамлар доимий сувлар оқиб турадиган очиқ типдаги тоғолди ҳамда тоғлар оралиғидаги чуқурликлардан кўра ўрта тоғли поясларда жойлашган табиий бошпаналарни (ғорлар ва унгурлар) ёки тоғолди булоқлари бўйларини афзал кўрадилар. Эҳтимол, экологик шароитларнинг алмашинуви сабабли ибтидоий одамлар овчилик стратегияларини кескин ўзгартиришларига тўғри келган.

Маида ва тез ҳаракат қиладиган ҳайвонларни овлаш, эҳтимол, одамлардан анча енгил ва қулай ов қуролларни қўллашни талаб қилган ва бу ҳолат Тўдахотин 2 да бўлгани сингари, ишлаб чиқаришда маида пластинкаларнинг микролит қуролларнинг ҳукмрон бўлишига олиб келган.

Шундай қилиб, мустақилликдан кейинги ўтган 20 йил мобайнида Тошкент воҳасида Ўзбекистон-Россия, Ўзбекистон-Америка (Қашқадарё) ҳамда Ўзбекистон-Россия-Бельгия халқаро экспедициялари катта кашфиётларни амалга оширдилар. Обирахмат одами қолиқларининг топилиши дунё палеоантропология фанида кескин ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Бундан ташқари, Обирахмат топилмалари Ўзбекистон ҳудудини илк замонавий типдаги одамлар шаклланган ва тараққий қилган маданий ўчоқлардан эканлигини кўрсатди. Тўдахотин, Жарсой 2, Тошсой, Оҳангарон каби янги ёдгорликлар топилди ва қизиқарли маълумотларни берди. Кўлбулоқнинг куйи қатламлари материалларидан кейин Оҳангарон воҳаси тарихида Қизилолма-2, Тошсой ҳамда Жарсой каби илк палеолит даври комплекслари аниқланди. Тўдахотин 1 ва 2 ёдгорликлари материаллари юртимиздаги мезолит даври маданиятларининг маҳаллий генезисга эга бўлганлигини кўрсатди. Тошкент воҳаси палеолит даври ёдгорликларини комплекс ўрганиш ишлари йўлга қўйилди. Кўлбулоқ, Тўдахотин ва Обирахмат каби маконлар қатламларидан олинган наъмуналар аниқ фанлар ёрдамида саналанди.

Умуман, халқаро ҳамкор экспедицияларнинг Тошкент вилоятида олиб борган илмий тадқиқотлари натижалари юртимизнинг энг қадимги тарихини бойитибгина қолмасдан, воҳанинг палеолитшунослигини Марказий Осиёда энг яхши ўрганилган ҳудудлар даражасига кўтарди.

Зарафшон воҳасининг сўнгги палеолити. Самарқанд макони. 1939 йилда Н. Г. Харламов томонидан очилган Самарқанд макони ўрта Осиёда тош даврини ўрганишдаги таянч ёдгорликлардан ҳисобланади. У Самарқанд шаҳри ҳудудидаги Чашмасиёбнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Ёдгорликнинг очилганлигига анча вақт ўтиб, анчайин яхши ўрганилган бўлса-да, мутахассислар орасида унга қизиқиш тўхтаганича йўқ (Лев, 1964. С. 5-109; 1972. С. 3-67; Ранов, 1969. С. 30-37; Холюшкин, 1970. С. 64-66; Коробкова, 1972. С. 157-168; Джуракулов, 1972. С. 12; 1987. С. 187; 1992. С. 58; Абрамова, 1984. С. 302-334; Вишняцкий, 1996. С. 170). Турли хил тадқиқотларда ёдгорликнинг стратиграфик, археологик, палеозоологик, геологик жабҳалари акс эттирилган. Шунингдек, унинг материалларини типологик (Лев, 1972. С. 3-67; Джуракулов, 1987. С. 187), трасологик (Коробкова, 1972. С. 157-168), математик-статистик (Джуракулов, Холюшкин, 1975. С. 4-26. Окладников, 1968. С. 144-157) таҳлил қилиш ишларига ҳам катта эътибор берилган. Самарқанд макони индустрияси таркибида галькали, учириндили ва пластинали буюмлар тўпламининг омухталиги кўплаб тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келмоқда (Лев, 1967. С. 84; Лев, 1972. С. 3-67; Ранов, 1969. С. 30-37; Джуракулов, 1987. С. 187; 1992. С. 27-32; Джуракулов, Холюшкин, 1975. С. 4-26; Джуракулов, Холюшкин, Холюшкина, Батъиров, 1980. С. 51-95; Джуракулов, Мамедов, 1986. С. 63-65. Коробкова, 1972. С. 185; Несмеянов, 1980. С. 41; Иванова, Несмеянов, 1980. С. 102. Ташкенбаев, Сулейманов, 1980. С. 86-91).

1998-1999 йилларда Г. Ф. Коробкова Самарқанд макони юқори қатламининг индустриясини микроскоп остида синчиклаб ўрганди, уларнинг технологик характеристикаси ҳамда функционал хусусиятларини аниқлади. Натижада, ҳозирда охиригача аниқланмаган бир қатор интерпретацион масалаларни кўриб чиқиш имкони туғилди. Масалан, Самарқанд сўнгги палеолит ёдгорлиги ягона маконми ёки бир нечтами? Агар у иккита макон бўлса, у ҳолда, улар синхронми ёки турли даврларга оидми? Бу ердаги кўйи террасанинг маданий қатламлари ягона комплексми ёки хронологик жиҳатдан турличами? Ҳар бир конкрет қатламда ва умуман, маконда тошларни чақмоқлаш технологиялари қандай бўлган? Самарқанд маконининг қаттиқ таққосланиб келинаётган Сибирь сўнгги палеолит даври комплекслари билан мунособати қанақа? Ёдгорликнинг Ўрта Осиёдаги синхрон технокомплекслар билан алоқаси борми? Самарқанд макони Марказий Осиё регионида феномен ёдгорликми ёки у Шарқий Осиё маданиятлари доирасига кирадими? Ёдгорликнинг функционал аҳамияти қанақа? Шундай ва шунга ўхшаш саволлар Самарқанд макони ҳақидаги нашрлар билан танишиш жараёнида пайдо бўлиши табиийдир. Ушбу масалаларни ечими ёдгорликнинг материалларини анчайин аниқ ва синчиклаб ўрганадиган типологик-морфологик, технологик, экспериментал ҳамда трасологик услублар билан ўрганишни тақозо этади. Маконни ўрганишдаги комплекс ёндошувларгина унинг умумий хусусиятларни, тошларни чақмоқлашдаги нюансларини ва динамик тараққиётининг спецификасини ёритиш имконини беради.

Г. Ф. Коробкованинг Самарқанд макони юқори қатламлари индустриясидаги чақмоқлаш техникасини тадқиқ қилиш ишларига синчков типологик-морфологик, технологик ҳамда трасологик услублар асос қилиб олинди. Манба сифатида Самарқанд маконидан 1958-1960 йилларда қазиб олинган нуклеуслари, йўнилғилари, тановорлари, тош қуроллари ҳамда ишлаб чиқариш чикитлари олинган. Технология ҳамда функционал масалаларини ўрганишда С. А. Семенов

томонидан ишлаб чиқилган экспериментал-трасологик услуб муҳим роль ўйнайди (Семенов, 1957. С. 32; 1968. С. 168).

Самарқанд ботиғида яна бир қатор қизиқарли, бироқ, кам ўрганилган сўнгги палеолит даври ёдгорликлари мавжуд. Улардан бири — Сиабча бўлиб (Ташкенбаев, Сулейманов, 1980. С. 80-86), у Самарқанд шахрининг шимолий чеккасида жойлашган ва 1969 йилда Ў. Алимов томонидан очилган. Ёдгорликни тадқиқ қилиш ишлари Н. Х. Тошкенбоев томонидан амалга оширилган. Топилмалар чуқурлиги 2-4.5 м келадиган қумли шурфлардан ва шу жой юзасидан йиғиб олинган (5 та пунктдан). С. А. Несмеяновнинг фикрича, бу ердаги маданий қолдиқлар топилган ётқизиклар ялангдашт (голодная степь) комплекси даврига тўғри келади (Аскарлов, Ташкенбаев, 1970. С. 82). Материаллар аралашиб кетган ва Самарқанд макони билан кўплаб ўхшашликларга эга. Тўпламда галькадан ишланган нуклеуслар, турли шакллардаги қирғиччалар ва қирғичлар, кўпол, калта учириндилар билан бирга пластина ва пластинкалар ҳам учрайди. Пластина ва пластинкаларнинг кўпчилигининг қирралари узлуксиз ретушлар ёрдамида ишлов берилган. Шунингдек, ёдгорликнинг тош қуроллари орасида тош бигизлар ва исканасимон қуроллар ҳам мавжуд.

Тош буюмларининг таркибига кўра Хўжамазгил материаллари ҳам юқорида тилга олинган ёдгорликларникига яқин (Ташкенбаев, Сулейманов, 1980. С. 76-79; 1987. С. 3-11). Хўжамазгил ёдгорлиги 1969 йилда очилган ва 1981 йилдан Н.Х. Тошкенбоев томонидан ўрганилган. Макон Самарқанддан 75 км жанубий-шарқда, Туркистон тоғ тизмаларининг ғарбий этакларида жойлашган. Палеолит даврига оид тош буюмлар ва ҳайвон суяклари қолдиқлари бу ердан 1 м чуқурликдаги қалин ва қаттиқ кўнғир тусли лойли қатламда ётади. Ушбу қатламларнинг ёши ялангдашт (голодностеп) даврига оид деб топилган. 1984 йилда ёдгорликдаги қазишмалар майдони 48 кв. м. га етказилган ва ундан ўчоқ қолдиқлари топилган. Бу ерда маданий қатлам сақланганми ёки йўқми айтиш қийин.

Хўжамазгилнинг тош буюмлари коллекцияси 500 тани ташкил қилиб, улар юқори сифатли кремнидан ишланган. Тўпламнинг нуклеуслари бир ёки икки зарб майдонли бўлиб, уларнинг аксарияти галькалардан ишланган. Тош буюмлар орасида пластиналар кўпчиликни ташкил қилади. Тош қуроллари орасида эса, калта тановорлардан шакллантирилган қирғиччалар, исканасимон қуроллар, галькали қуроллар ва қирғичлардан иборат. Бу ердан шунингдек, кўплаб тош синиқлари ва пайрака топилган.

Юқорида тилга олинган ёдгорликлардан ташқари сўнгги палеолит даврига оид материаллар Самарқанд ва унинг атрофидан топилган. Буларга Афросиёб шаҳарчасидан 1.5-2 км шимолроқдан топилган материалларни ҳам қўшиш мумкин (Ташкенбаев, 1974. С. 15), Самарқанддан 50 км шарқроқда жойлашган Ровотхўжа (Буряков, Крикис, Равшанов, Ростовцев, 1972. С. 507), Ғишали ҳамда Каттақишлоқдан топилган материалларни киритиш мумкин (Ташкенбаев, 1985. С. 51-52).

Юқорида классик Европа ва Яқин Шарқнинг сўнгги палеолит даврига қисқача характеристика бериб ўтилди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даврини ўрганилиши тарихига батафсил тўхтаб ўтилди. Бундан асосий мақсад юртимиздан топилган сўнгги палеолит даври материалларини улар билан таққослаш ҳамда Ўзбекистон сўнгги палеолитининг дунё юқори палеолити таснифида тутган ўрнини аниқлашдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг сўнгги палеолит даври ёдгорликлари бир-биридан қизиқарли ва бу давр қадим ўтмишимизнинг энг мунозарали босқичларидан биридир. Кейинги ўн йилликларда бу даврни ўрганиш янада қизиқарли тус олди ва янгидан-янги маълумотлар қўлга киритилди. Аввалдан маълум бўлган сўнгги палеолит даври ёдгорликларида замонавий тадқиқот услублари асосида комплекс тадқиқотлар олиб борилди.

Умуман, ҳозирда юртимизнинг сўнгги палеолит даври тарихига бўлган илмий қарашлар кескин ўзгарди. Тошкент, Зарафшон воҳалари ва Жанубий Ўзбекистон ҳудудларидан сўнгги палеолит даврига оид қатор янги ёдгорликларнинг топилиши ҳам ҳозирда бу даврга бағишланган, барча мавжуд археологик маълумотларни ўзида жамлаган яхлит монографик тадқиқот ўтказиш масаласини долзарб қилиб қўймоқда

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- Абрамова З. А.* Палеолит Средней Азии и Казахстана // Палеолит СССР. М., 1984.
- Абрамова З. А.* Поздний палеолит Азиатской части СССР // Археология СССР. Палеолит СССР. М., 1984а.
- Акимова Е. В., Стасюк И. В., Мотузко А. Н.* К проблеме изучения «мелкопластинчатых индустрий» в палеолите Средней Сибири // Социогенез в Северной Азии. Часть 1. Иркутск, 2005.
- Анисюткин Н. К.* Ранний и средний палеолит Юго-Запада Европейской части СССР // Автореф..... докт. ист. наук. С.-Пб., 1992.
- Анисюткин Н. К., Исламов У. И., Крахмаль К. А., Хушваков Н. О.* Новые исследования палеолита в Ахангаране (Узбекистан) // ИИМК. С.-Пб., 1995.
- Анисюткин Н. К., Исламов У. И., Крахмаль К. А., Сайфуллаев Б. К., Хушваков Н. О.* Предварительные исследования долины реки Ахангаран за 1994 г. С.-Пб., 1995.
- Анисюткин Н. К., Исламов У. И., Крахмаль К. А., Сайфуллаев Б., Хушваков Н. О.* Раскопки стоянки Кульбулак в 1995 г. // Новые археологические открытия и изучение культурной трансформации. С.-Пб., 1996.
- Анойкин А. А., Гладышев С. А., Борисов М. А., Семин А. А.* Археологическая разведка в районе хребта Байсун-Тау (Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. IX. Ч. I. Материалы Годовой сессии ИАЭТ СО РАН 2003 г., посвященной 95-летию со дня рождения академика А. П. Окладникова. Новосибирск, 2003.
- Анойкин А. А., Гладышев С. А.* Памятники каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) // Археология и палеоэкология Евразии. Новосибирск, 2004.
- Археологический словарь* каменных орудий. М., 1991.
- Аскарлов А. А., Таишкенбаев Н. Х.* Древнейшее прошлое Самарканда // ОНУ. 1970. № 9.
- Буряков Ю. Ф., Крикис Я. К., Равианов Р., Ростовцев О. М.* Работы в Самаркандской области 1971 г. // АО. М., 1972.
- Васильев С. А.* Поздний палеолит верхнего Енисея (по материалам многослойных стоянок района Майны). С.-Пб., 1996.
- Вишняцкий Л. Б.* Палеолит Средней Азии и Казахстана. С.-Пб., 1996.
- Гладилин В. П.* Проблемы терминологии и анализа археологических источников. Иркутск, 1975.
- Гладилин В. П., Ситливый В. И.* Орудия каменного века. Киев, 1978.
- Деревянко А. П., Маркин С. В., Васильев С. А.* Палеолитоведение // ВО. 1994.
- Деревянко А. П., Исламов У. И., Петрин В. Т., Сулейманов Р. Х., Кривошапкин А. И., Алимов К., Крахмаль К. А., Феденева И. Н., Зенин А. Н., Анойкин А. А.* Исследования грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) в 1998 г. //

- Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Новосибирск, 1998.
- Дервянко А. П., Исламов У. И., Петрин В. Т., Сулейманов Р. Х., Таймагамбетов Ж. К., Кривошапкин А. И., Анойкин А. А., Зенин А. Н., Крахмаль К. А., Алимов К. А.* Результаты возобновления исследований грота Оби-Рахмат // ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999.
- Дервянко А. П., Исламов У. И., Петрин В. Т., Сулейманов Р. Х., Кривошапкин А. И., Алимов К., Анойкин А. А., Милютин К. И., Сайфуллаев Б.* Исследования грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) в 1999 г. // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Новосибирск, 1999.
- Дервянко А. П., Исламов У. И., Кривошапкин А. И., Анойкин А. А., Милютин К. И., Сайфуллаев Б. К.* Исследования грота Оби-Рахмат (Республика Узбекистан) в 2001 г. // Проблемы каменного века Средней и Центральной Азии. Новосибирск, 2002.
- Дервянко А. П., Ширинов Т. Ш., Анойкин А. А., Борисов М. А., Гладышев С. А.* Исследование грота Тешик-Таш-2 (Республика Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. IX. Ч. I. Материалы Годовой сессии ИАЭТ СО РАН 2003 г., посвященной 95-летию со дня рождения академика А.П. Окладникова. Новосибирск, 2003.
- Дервянко А. П., Кривошапкин А. И., Анойкин А. А., Исламов У. И., Петрин В. Т., Сайфуллаев Б. К., Сулейманов Р. Х.* Ранний верхний палеолит Узбекистана: индустрия грота Оби-Рахмат (по материалам слоев 2-14). // Переход от среднего к позднему палеолиту в Евразии: гипотезы и факты. Новосибирск, 2005.
- Дервянко А. П., Колобова К. А., Фляс Д., Исламов У. И., Ков Н., Коуп Д., Звинц Н., Павленок К. К., Мамиров Т. Б., Крахмаль К. А., Мухтаров Г. А.* Возобновление археологических работ на многослойной стоянке Кульбулак // Проблемы археологии, этнографии и антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. 13. Ч. 1. Материалы годовой сессии Ин-та археологии и этнографии СО РАН. 2007.
- Дервянко А. П., Колобова К. А., Исламов У. И., Фляс Д., Павленок К. К.* Новый верхнепалеолитический памятник в долине реки Ахангарон (Узбекистан) // Проблемы археологии, этнографии и антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т.13. Ч.1. Мат-лы годовой сессии Ин-та археологии и этнографии СО РАН. 2007.
- Дервянко А. П., Исламов У. И., Колобова К. А., Фляс Д., Кривошапкин А. И., Лещинский С. В., Крахмаль К. А., Звинц С. В., Павленок К. К., Мухтаров Г. А.* Возобновление археологических работ на многослойной стоянке Кульбулак в 2007 г. // ИМКУ. Вып. 36. Ташкент, 2008.
- Дервянко А. П., Исламов У. И., Кривошапкин А. И., Колобова К. А., Фляс Д.* Страницы истории древней культуры Узбекистана // Ўзбекистон пойтахти 2200 ёшда. Тошкент шахрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган халқаро илмий конференция, Тошкент, 2009.
- Джуракулов М. Д.* Результаты археологических исследований Самаркандской верхнепалеолитической стоянки в 1970—1971 гг. // Каменный век Средней Азии и Казахстана. ТД совещания. Ташкент, 1972.
- Джуракулов М. Д.* Самаркандская стоянка и проблемы верхнего палеолита в Средней Азии. Ташкент, 1987.
- Джуракулов М. Д.* Каменный век бассейна Заравшана // Автореф. дисс. док. ист. наук. Самарканд, 1992.

- Джуракулов М. Д., Холюшкин Ю. П.* Некоторые вопросы применения методов математической статистики в археологии каменного века // Материалы по археологии Узбекистана. Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 270. Самарканд, 1975.
- Джуракулов М. Д., Холюшкин Ю. П., Холюшкина В. А., Батыров Б. Х.* Самаркандская стоянка ее место в позднем палеолите Средней Азии // Палеолит Средней и Восточной Азии. История и культура востока Азии. Новосибирск, 1980.
- Джуракулов М. Д., Мамедов Э. Д.* Геология археологических памятников Зарафшана. Ташкент, 1986.
- Иванова Н. Г., Несмеянов С. А.* Результаты палинологического изучения Самаркандской верхнепалеолитической стоянки. // Палеолит Средней и Восточной Азии. Новосибирск, 1980.
- Исламов У. И., Анисюткин Н. К., Крахмаль К. А.* Древнепалеолитический памятник Кызылалма // ОНУ. Ташкент, 1994. № 9-10.
- Исламов У.И., Деревянко А.П., Кривошапкин А.И., Анойкин А., Сайфуллаев Б., Кулькова И.А.* Исследования грота Оби-Рахмат в 1999 г. // Научный архив ИА АН РУз. Ф. 7, О. 1, Д. 154. Самарканд, 1999.
- Исламов У. И., Колобова К. А., Славинский В. С.* Отчёт по археологическим работам 2005 год. Археологические исследования в бассейне реки Пальтау // Научный архив ИА АН РУз. Ф. 7, О. 1, Д. 164. Самарканд, 2006.
- Исламов У. И., Кривошапкин А. И., Колобова К. А., Милютин К. И., Мухаммадиев А. Г.* Отчёт по археологическим работам 2006 гг. Полевые исследования стоянок Оби-Рахмат и Додекатым-П // Научный архив ИА АН РУз. Ф. 7, О. 1, Д. 165. Самарканд, 2007.
- Исламов У. И., Кривошапкин А. И.* Индустрия грота Оби-Рахмат (Узбекистан) в контексте появления современного поведенческого комплекса на территории Центральной Азии // Ўзбекистонда археологик тадқиқотлар 2006-2007 йиллар. №6. Тошкент, 2009.
- Касымов М. Р.* Памятники каменного века в долине Ангрена // ОНУ. Ташкент, 1967. №2.
- Касымов М. Р.* Культуры и варианты палеолита Узбекистана // Каменный век Средней Азии и Казахстана. Ташкент, 1972.
- Касымов М. Р.* Многослойная палеолитическая стоянка Кульбулак в Узбекистане // МИА. №185. М., 1972а.
- Касымов М. Р.* Кремнеобрабатывающие мастерские и шахты каменного века Средней Азии. Ташкент, 1972б.
- Касымов М. Р.* Проблемы палеолита Средней Азии и Южного Казахстана // Автореф. дисс. докт. ист. наук. Новосибирск, 1990.
- Касымов М. Р.* О проблемах изучения палеолита на территории Средней Азии и Южного Казахстана // ОНУ. Ташкент, 1990а. № 9.
- Касымов М. Р., Дуке Х., Гречкина Т. Ю.* О новых данных по каменному веку Туябугуза // ИМКУ. Вып. 15. Ташкент, 1979.
- Касымов М. Р., Годин М. Х.* Важнейшие результаты исследований многослойной стоянки Кульбулак // ИМКУ. Вып.19. Ташкент. 1984.
- Касымов М. Р., Коробков И. И., Годин М. Х.* Стратиграфия, литология и характеристика каменной индустрии многослойной стоянки Кульбулак // Проблемы взаимосвязи природы и общества в каменном веке Средней Азии. Ташкент, 1988.
- Касымов М. Р., Годин М. Х., Худайбердыев Т. Н.* Домустьерские культуры на территории Узбекистана // Хроностратиграфия палеолита Северной, Центральной, Восточной Азии и Америки. Новосибирск, 1992.
- Клейн Л. С.* Археологические источники. Л., 1978.
- Коробкова Г. Ф.* Трасологическое исследование каменного инвентаря Самаркандской стоянки. (По материалам 1958-1960 гг.) // МИА. № 185. Палеолит и неолит СССР.

Т.7. Л., 1972.

- Коробкова Г. Ф.** Изучение каменной индустрии и проблема выделения культур и локальных вариантов // ТД совещания “Каменный век Средней Азии и Казахстана”. Ташкент, 1972а.
- Кривошапкин А. И., Анойкин А. А., Милютин К. И., Сайфуллаев Б. К.** Новые исследования в гроте Оби-Рахмат // ИМКУ. Вып. 33. Ташкент, 2002.
- Кривошапкин А. И., Анойкин А. А., Ринн П. Дж., Исламов У. И.** Каменная индустрия грота Оби-Рахмат // Грот Оби-Рахмат. Новосибирск, 2004.
- Кривошапкин А. И., Милютин К. И., Славинский В. С., Рыбин Е. П., Колобова К. А., Новиков И. С., Высоцкий Е. М., Мухаммадиев А. Г.** Новые стоянки каменного века в бассейне реки Пальтау // Проблемы археологии, этнографии, антропологии Сибири и сопредельных территорий. Т. 11. Ч. 1. Новосибирск, 2005.
- Кривошапкин А. И., Милютин К. И., Новиков И. С., Исламов У. И., Мухаммадиев А. Г.** Новые верхнепалеолитические стоянки в бассейне реки Пальтау (Республика Узбекистан) // ИМКУ. Вып. 35. Ташкент, 2006.
- Лев Д. Н.** Поселения древнекаменного века в Самарканде. Исследования 1958-1960 гг. // Труды СамГУ. Новая серия. Вып. 135. Самарканд, 1964.
- Лев Д. Н.** Палеолит Самаркандской области и его специфические особенности // Тр. СамГУ. Новая серия. Вып. 166. Самарканд, 1967.
- Лев Д. Н.** Итоги работы археологического отряда Самаркандского Госуниверситета имени А.Навои в 1966 г. // Труды СамГУ. Вып. 218. Материалы по истории и археологии Узбекистана. Самарканд, 1972.
- Лисицын Н. Ф.** Поздний палеолит Чулымо-Енисейского междуречья. С-Пб., 2000.
- Литвинский Б. А., Окладников А. П., Ранов В. А.** Древности Кайрак-Кумов // Труды института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР. Т. 33. Душанбе, 1962.
- Несмеянов С. А.** Геологическое строение Самаркандской верхнепалеолитической стоянки // Палеолит Средней и Восточной Азии. История и культура Востока Азии. Новосибирск, 1980.
- Нужний Д. Ю.** Розвиток мікролітичної техніки в каменному віці. Удосконалення зброї первісних мисливців. Київ, 2008.
- Окладников А. П.** Амир-Темир, новый памятник каменного века в горах Байсун-Тау (Узбекистан) // КСИИМК. Вып. 6. М., 1940.
- Окладников А. П.** Исследование мустьерской стоянки и погребения неандертальца в гроте Тешик-Таш, Южный Узбекистан (Средняя Азия) // Тешик-Таш: Палеолитический человек. – М., 1949.
- Окладников А. П.** Древние связи культур Сибири и Средней Азии // Бахрушинские чтения 1966 г. Вып. 1. Новосибирск, 1968.
- Ранов В. А.** Самаркандская стоянка и ее место в каменном веке Средней Азии // Труды института истории, археологии и этнографии АН Тадж. ССР. №4 /58. 1969.
- Ранов В. А., Несмеянов С. А.** Палеолит и стратиграфия антропогена Средней Азии. Душанбе, 1974.
- Семенов С. А.** Первобытная техника (опыт изучения древнейших орудий и изделий по следам работы) // МИА. № 54. М., 1957.
- Семенов С. А.** Развитие техники в каменном веке. Л., 1968.
- Сулейманов Р. Х.** Статистическое изучение культуры грота Оби-Рахмат. Ташкент, 1972.
- Сулейманов Р. Х.** Грот Оби-Рахмат и проблемы палеолита Центральной Азии // Археология Узбекистана. 2010. № 1(1).
- Ташкенбаев Н. Х.** О находках каменных изделий на территории городища Афрасиаб // Афрасиаб. Вып.3. Ташкент, 1974.

- Ташкенбаев Н. Х.** О новых палеолитических местонахождениях в Самаркандской области // ОНУ. Ташкент, 1985. №1.
- Ташкенбаев Н. Х.** Некоторые данные по палеолиту Зарафшанской долины // ИМКУ. Вып. 21. Ташкент, 1987.
- Ташкенбаев Н. Х., Сулейманов Р. Х.** Культура древнекаменного века долины р. Зарафшана. Ташкент, 1980.
- Холюшкин Ю. П.** Специфика каменного инвентаря Самаркандской палеолитической стоянки // Материалы 12-й СНК Средней Азии и Казахстана. Фрунзе, 1970.
- Хроностратиграфия** палеолита Северной, Восточной и Центральной Азии и Америки. Новосибирск, 1990.
- Хроностратиграфия** палеолита Северной, Центральной, Восточной Азии и Америки. Новосибирск, 1992.
- Хушваков Н. О.** Поздний палеолит Ташкентского оазиса // Автореф. дисс. канд. ист. наук. Самарканд, 2009.
- Breizillon M.** La denomination des objets des pierre taillée. Paris, 1968.
- Bordes F.** Typologie du paléolithique ancien et moyen. Bordeaux Delmas. 1961.
- Chard Ch.** Northeast Asia in prehistory. Madison: University of Wisconsin Press, 1974.
- Demars P.-Y., Laurent P.** Types d'outils lithiques du Paleolithique Superieur en Europe. Paris, 1989.
- Derevyanko A. P.** Paleolithic of North Asia and the problem of ancient migrations. Novosibirsk, 1990.
- Fiches** typologiques des Industrie osseuse prehistorique // Aix-en-Provence-Tregnes: CEDARC. Cahiers I-VI. 1988-1993.
- Laurent P.** Types d'outils lithiques du Paleolithique Superieur en Europe. Paris, 1989.
- Otte M., Biglari F., Flas D., Shidrang S., Zwyns N., Mashkour M., Naderi R., Mohaseb A., Hashemi N., Darvish J. & Radu V.** The Aurignacian in the Zagros region: new research at Yafteh Cave, Lorestan // Antiquity. Vol. 81. 2007.
- Tixier J. Inizan M.-L., Roche H.** Prehistoire de la pierre tailee // Terminologie et technologie. T.I. Paris, 1980.

## ЮБИЛЯРИМИЗ

### НАШ ЮБИЛЯР

### OUR JUBILAR

**ЙИРИК ПАЛЕОЛИТШУНОС ОЛИМ  
ЕРМЕК БИЖАНОВ  
ТАВАЛЛУДИНИНГ  
80 ЙИЛЛИГИГА**

**TO 80<sup>TH</sup> ANNIVERSARY OF  
ERMEEK BIJANOV –  
THE PROMINENT RESEARCHER  
OF THE PALEOLITHIC**

Қорақалпоғистон Республикасига меҳнати синган фан арбоби, қорақалпоқ халқининг қадимги даврлардан аждодлари бўлган массагет, апасиак ва араншилар макон қилган ерларидаги, яъни Устюртдаги ёдгорликларни изчил тадқиқ қилган археолог олим Е. Бижанов 80 ёшга тўлди.

1960 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, тил ва адабиёт институтининг археология бўлимида илмий иш бошлаган Ермек Бижанов 1969 йили Олма-ота шаҳрида Ш. Валиханов номидаги тарих, археология ва этнография институтининг ихтисослашган кенгашида "Устюртнинг археологик ёдгорликлари" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганидан кейин, 1980 йилларгача Устюрт текислигидаги қадимги тош даврига оид 20 дан ортиқ археологик ёдгорликларни тадқиқ қилди. 1996 йили Тошкент шаҳрида "Устюртнинг тош асри" номли мавзуда тарих фанлари докторлиги диссертациясини ҳимоя қилди, бу илмий иш таниқли олим профессорлар М. Ж. Жўракулов, Т. М. Мирсоатов, М. Р. Қосимов (Ўзбекистон), А. В. Виноградов (Россия), В. А. Рановлар (Тожикистон) томонидан юқори баҳоланди.

Е. Бижанов 1936 йили Қўнғирот туманининг «Жаналик» қишлоғида чорвадор оиласида туғилган, 1955 йили Хўжайли шаҳридаги Т.Г. Шевченко номидаги ўрта мактабни тамомлаб, Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирди ва уни 1960 йили мувақият билан битирди. Бўлажак олимга Ўрта Осиё Давлат университетининг "археология" кафедраси раҳбари академик М. Е. Массон йўл-йўриқ кўрсатди.

Е. Бижановнинг меҳнат фаолияти Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, тил ва адабиёт институтининг археология ва этнография бўлимида катта лаборант, сўнг архитектор лавозимларидан бошланди. 1960-1962



йиллари Е. Бижанов Жанубий Амударё бўйларида, Тўк-қалъа, Миздахқон, Куйикқалъа, Ҳайвон қалъаларда олиб борилган экспедиция ишларида фаол иштирок этди.

Е. Бижанов 1963-1965 йилларда Россия Фанлар Академияси этнография институти аспирантурасининг кундузги бўлимида ўқиди ва илмий тадқиқот ишларини олиб борди. У С.П. Толстов раҳбарлик қилган Хоразм археологик-этнография экспедициясининг Шош-тепа археологик отряди тадқиқот ишларида қатнашиб, Устюрт кўчманчи халқларининг Хоразм билан алоқалари ва моддий маданиятининг ўхшаш томонларини ўрганди.

1966-1970 йиллари Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими тарих, тил ва адабиёт институтининг археология бўлимида кичик илмий ходим сифатида 1968 йили Тўк-қалъада Кердер маданиятига оид қазилма ишларини олиб борди. 1973 йилдан бошлаб у катта илмий ходим сифатида Қўрғонча қалъасидаги археологик тадқиқот ишларига фаол қатнашди.

1970 йиллардан бошлаб Е. Бижанов Устюртда В.Н. Ягодин билан биргаликда археологик тадқиқот ишларини олиб бориб, Устюрт текислигидан биринчи маротаба палеолит ва мезолит даврига оид ёдгорликларни очди.

1971-1982 йилларда Е. Бижанов Устюртдаги тош даврининг тадқиқот археологик экспедицияси отрядига раҳбарлик қилиб, Устюртдаги Қартпай қум, Алан, Барлибой, Чуруқ, Борсакелмас атрофларида, Жаринкудук, Айдабол худудларидан палеолит, мезолит ва неолит даврларига оид археологик ёдгорликларни тадқиқ этди.

Устюртдаги палеолит даврининг олим томиндан кашф этилиши археология фанида катта янгилик бўлди. Чунки, Устюртдаги қуйи ва юқори палеолит ёдгорликларидан топилган қадимги тош қуроллар Қорақалпоғистон худудига одамларнинг жойлашган даври ашель ва мустье даврида оид, деган хулосага олиб келди.

Е. Бижанов 1982 йили конкурс асосида ҳозирги Қорақалпоқ давлат университетининг "Умумий тарих" кафедрасининг катта ўқитувчиси, 1985-йилдан доценти, 1998-2005 йиллари "тарих ва археология" кафедрасининг мудир сифатида самарали ишлади. 2009 йилдан ҳурматли дам олишда. Е. Бижановнинг қизиқувчанлиги жуда кенг. Қорақалпоғистон худудидаги тош даврлари, антик ва ўрта асрлар археологияси масалалари бўйича 60 дан ортиқ илмий ишлар, мақолалар ва тезисларнинг муаллифи.

Профессор Е. Бижанов 1982 йилдан, яъни, Қорақалпоқ давлат университети тарих факультетининг "тарих ва археология" кафедрасига ишга келган вақтдан бошлаб, ўз хизматини кафедра ва факультет кўламида илмий ишларни ривожлантириш ва мутахассис кадрларни тайёрлаш билан боғлади.



Профессор Е. Бижанов Қорақалпоқ давлат университетиде тарихчи мутахассисларни тайёрлашда 1985-2006-йиллар оралиғида Хўжайли тумани "Миздахқон" археологик комплексида талабаларнинг археологик дала амалиётини ташкиллаштиришга улкан ҳисса қўшди.

Е. Бижанов университет Бердақ миллий музейи фондини янги археологик экспонатлар билан бойитишга ва таъминланишига фаол қатнашди.

Профессор Е. Бижановнинг илмий материаллари, фараз ва хулосалари тарихий тадқиқотларда ва олий ўқув юртлари учун махсус дарсликларда ўтмишнинг тош даври бўйича асосий илмий манба сифатида фойдаланилмоқда. Масалан, Ж. Кабиров ва А. Сағдуллаевнинг "Ўрта Осиё археологияси" (Тошкент, 1990), "Қорақалпоғистон тарихи" (Нукус, 1989; 1992; 2009) 1-жилдида, 20 жилдлик "Археология СССР" энциклопедик тўпламининг "Палеолит", "Мезолит", "Неолит", деб номланган қўламли китобларида Е. Бижанов тўплаган манбалардан кенг фойдаланилган.

Профессор Е. Бижанов Жанубий Орол бўйининг тош ва бронза даврининг моддий маданияти, қадимги дунё тарихи фанлари бўйича қўлланмалар ва кўрсатмалар ёзди. Шунингдек, у Москва, Санкт-Петербург, Душанбе, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида халқаро илмий конференцияларда мазмунли маърузалар қилди. Ҳукуматимиз томонидан унинг ва педагогик меҳнатлари ҳисобга олиниб, унга "Қорақалпоқистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби" унвони берилди.

*Саламат Сулайманов,  
Ансамбай Алимбетов  
ва "Ўзбекистон археологияси" журнали таҳририяти,  
Археологик тадқиқотлар институти жамоаси*